O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 2 март, № 44 (4197) Жума


## Мақсад – улуғ, муддао – эзгу



**Ушбу муҳташам бинога Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейи жойлашган. Тўрт йўналишга ихтисослашган мазкур илм даргоҳида бугунги кунда олти юз нафардан ортиқ ўғил-қиз таҳсил олмоқда. Гап-сўзи, юриш-туриши орқали яхши тарбия олгани шундоқ кўриниб турган ўқувчиларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, кўнглингизга нур инади. Беихтиёр Президентимизнинг фахру ифтихор билан айтган мана бу сўзлари ёдга тушади: "Бизнинг ишимизга кимки баҳо бермоқчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига боқсин".**

*Ҳа, шу каби бошқа ўқув муассасалари қаторида Қибрай академик лицейида ҳам ҳар жиҳатдан камол топаётган ёшлар истаганча топилади. Бунда олтмишга яқин малакали ўқитувчилар, фан номзодлари ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиларининг хизматлари катта. Улар ўз тажрибаларини янада кенг ёйиш мақсадида намунавий ўқув режалари, дарслик ва услубий йўриқномаларга ҳам қўл урмоқда.*

*Фидойи устозларидан ибрат олган ўқувчилар доимий изланишда. Ўзлари таълим олаётган йўналиш билангина чекланиб қолмай, бошқа соҳаларни ҳам мукаммал ўзлаштиришга интилишаётир. Демак, уларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкам, мақсади улуғ ва муддаоси эзгудир.*

**Маъсуда ЁҚУБОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: лицей ҳаётидан лавҳалар.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

## Ўзбекистон Президенти китоби Варшавада тақдим этилди

***Ўзбекистон Республикасининг Польшадаги элчихонасида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг поляк тилида нашр этилган «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Маросимда Польшанинг расмий доиралари, илмий-тадқиқот муассасалари, Варшавада аккредитациядан ўтган хорижий дипломатия ваколатхоналари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.***

Тақдимот давомида унинг қатнашчилари «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» асари билан атрофлича танишиш имконига эга бўлдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг ушбу китоби юзасидан ўзларининг муфассал таҳлилий фикр-мулоҳазаларини билдиришар экан, Ўзбекистонда барқарор бозор муносабатлари ва очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини тадрижий равишда ҳамда босқичма-босқич барпо этиш мақсадида амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислоҳотларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболларини юқори баҳолашди. Маросимда Ўзбекистон ривожланиши стратегиясига мувофиқ, мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш бўйича мақсад ва вазифалар биринчи даражали бўлиб қолавериши йўлининг тўғри эканлиги бир неча бор таъкидланди.

**Варшава университети ҳузуридаги Сиёсий фанлар институтининг эксперти, сиёсатшунослик фанлари доктори А.Вежбицкий** ўз чиқишида ушбу китобда баён этилган далиллар Марказий Осиёдаги мураккаб минтақавий вазият манзарасини яққол намоён этишини айтди. «Мен хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масаласида Ўзбекистонни Европа Иттифоқи ҳамда Польшанинг муҳим шериги, деб биламан. Бундан ташқари, Ўзбекистон маданиятнинг тарихий бешикларидан бири ҳисобланадики, бу гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим омилдир», деди польшалик олим.

**Шарқ тадқиқотлари марказининг Кавказ ва Марказий Осиё бўлими раҳбари К.Страхота** Польша таҳлилчилари доираси Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур китобидан минтақавий хавфсизлик, наркотик хавф-хатар ҳамда диний экстремизм билан боғлиқ барча саволларга жавоб топиши мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

**«Жаҳон» АА**
**Варшава.**

### 2 март — Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун

## ҲАМКОРЛИКНИНГ КЎЛАМИ КЕНГ

***Мустақил давлатнинг ўз рамзлари бўлади – Конституция, байроқ, мадҳия... Давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш деганда, аввало, ҳудудий яхлитликни сақлаш, мустақил сиёсат юритиб, ўзи танлаган йўлдан бориш, давлатчиликни ривожлантириш назарда тутилади. Бу зарурий жараёнлар сирасига яна бир шартни киритиш мумкин. Давлатнинг мустақиллиги унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сафидан жой олиши билан ҳам боғлиқдир.***

Роса 15 йил муқаддам, 2 март куни Ўзбекистон Республикаси мана шу босқичдан ўтди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи олдида мустақил Ватанимиз байроғи ҳилпирай бошлади.

1993 йил 24 август куни Тошкент шаҳрида БМТ ваколатхонаси очилди. Бугунги кунда юртимизда унинг қатор таркибий тузилмалари – Тараққиёт дастури, Гиёҳвандликка қарши кураш дастури, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО), Таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи органи (ЮНЕСКО) ваколатхонаси фаолият кўрсатаётир.

Мамлакатимиз раҳбари БМТ минбаридан дунёда ялпи хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга, халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашишга оид қатор ташаббусларни илгари сурганини таъкидлаш жоиз. Президент Ислом Каримов ташкилот анжуманларида жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистонга, Орол муаммосига қаратди. Бу масалаларда Ўзбекистон даъватларининг нақадар тўғри, нуқтаи назарининг нақадар асосли бўлганлиги кенг эътироф этилган.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил сентябрь ойида ўтган "Мингйиллик саммити"да давлатимиз раҳбари халқаро террорчилик ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга, БМТ фаолияти ва унинг таркибий тизимини ислоҳ қилишга доир кўплаб таклифларни билдирди. Халқаро жамоатчилик эътиборини яна бир бор Орол муаммосига қаратди. Таъкидламоқ жоизки, Оролдаги вазият нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунё мамлакатларининг экологик муаммосидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлатимиз раҳбари «Мингйиллик саммити»да экологик хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, ушбу хайрли ишларга халқаро ташкилот ва донор мамлакатлардан молиявий воситалар жалб этиш мақсадида БМТнинг Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича халқаро дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари кенгашини тузишни таклиф қилди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилги Истанбул саммитида Президент Ислом Каримов БМТ ҳузурида террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш ғоясини илгари сурди. 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида террорчиликка қарши кураш қўмитасининг ташкил этилиши бу ғоянинг амалий натижаси бўлди.

Ўзбекистон айни вақтда БМТнинг мавжуд 12 аксилтеррор конвенциясига ҳамда наркотик моддалар савдосига қарши курашга оид конвенцияларига қўшилган. Бу йўналишдаги ҳамкорликнинг амалий ифодаси сифатида 2000 йил 19-20 октябрь кунлари Тошкентда БМТ ва ЕХҲТ билан ҳамкорликда "Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: гиёҳванд моддалар, уюшган жиноятчилик ва тероризмга қарши курашда умумий ёндашув" мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

2006 йилнинг сентябрида эса Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида "Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисида"ги шартномани имзоладилар.

Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов ғоясининг амалий натижаси бўлган бу шартнома минтақамизда тинчликни мустаҳкамлаш ва оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишдаги, пировардида дунёда ялпи ядровий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги ғоят муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимиз БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари билан турли йўналишларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг халқаро интеграцияни кучайтириш, барқарорликни мустаҳкамлаш ва давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ҳамда тинчликпарварликка асосланган изчил сиёсати муҳим омил бўлмоқда.

Айниқса, ЮНИСЕФ ва ЮНЕСКО билан алоқалар кўлами кенг. ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, жумладан, улар орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, эмлаш, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена қоидаларига риоя этишни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

ЮНЕСКО – Ўзбекистон маданий ҳаётида юз бераётган жараёнларнинг фаол аъзоси. "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, қадимий шаҳарларимиз ва буюк аждодларимизнинг юбилей тадбирлари бу халқаро ташкилот билан ҳамкорликда ўтказилади. Ўтган йили Хоразм Маъмун академиясининг 1000, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейлари нишонлангани бунга ёрқин мисолдир.

Ўзбекистон — БМТнинг фаол аъзоларидан. Зеро, мамлакатимиз бутун дунёда тинчликни қарор топтириш юзасидан амалга оширилаётган кўплаб хайрли ишларнинг ташаббускорларидандир. Ташкилотнинг ўша пайтдаги Бош котиби Кофи Аннан 2002 йил октябрида юртимизга ташрифи чоғида Ўзбекистоннинг жаҳонда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди. Бу мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи юксалиб бораётганининг яна бир тасдиғидир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

***Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Миср ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қўшма комиссия ҳамраиси Р.Қосимов Миср мамлакатимизнинг Яқин Шарқдаги муҳим ҳамкорларидан бири эканини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани ва бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Миср Араб Республикасининг халқаро ҳамкорлик вазири, қўшма комиссия ҳамраиси Фаиз Абу ан-Наджа хоним мамлакатларимиз ўртасида эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Миср ўртасида қадимдан давом этиб келаётган савдо-иқтисодий, илмий-маданий алоқаларнинг мантиқий давоми эканини қайд этди.

Икки мамлакатнинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Лекин мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиляпти, деб бўлмайди. 2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 3,6 миллион АҚШ долларини ташкил этганини бунга мисол.

Ўзбекистон Миср асосан калава, газлама ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилади. Мисрдан доридармон, эфир мойи, кимёвий маҳсулотлар харид қилинади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Миср ишбилармонлари билан ҳамкорликда тузилган "Ҳаёт" (мебелсозлик) ва "Араб конструкторс" (қурилиш-монтаж ишлари) каби қатор қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Икки мамлакат ўртасида ҳукуматлараро ва идораларо даражада йиғирмага яқин ҳужжат имзоланган. Улар орасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, икки томонлама солиқдан қочишга доир битимлар бор.

Қўшма комиссия мажлисида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Ўзбекистон ўзининг қулай жуғрофий жойлашувига биноан, транспорт коммуникацияларидаги логистика бўйича катта имкониятларга эга. Миср Ўзбекистон орқали Марказий Осиё ва МДҲ давлатлари билан алоқаларни ривожлантириши мумкин. Мамлакатимиз қатор минтақавий тузилмаларга аъзо эканлиги, бу тузилмалар доирасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун муайян қулайликлар ва тегишли механизмлар ишлаб чиқилгани кўп томонлама ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиради.

Миср эса араб дунёсининг етакчи мамлакатларидан. Ўзбекистон Миср орқали Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаши мумкин. Мажлисда икки томон учун ҳам манфаатли бўлган таклифлар илгари сурилиб, биргаликда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Миср делегацияси Ўзбекистон Ташқи ишлар, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, "Ўзбекистон ҳаво йўллари", "Ўзбектуризм" миллий компаниялари каби қатор вазирлик ва идораларда бўлиб, ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан музокаралар ўтказди.

**Орифжон ТУРОПОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Халқаро турнир

***Кеча пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича Халқаро спорт курашлари федерацияси — FILAнинг «Олтин Гран при» турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди.***

## Чемпионлар Тошкентда беллашмоқда

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан ёш авлодни соғлом қилиб тарбиялаш, спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ибратли ишлар халқаро спорт ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда. Юртимизда спортнинг кўплаб турлари бўйича халқаро турнирлар ўтказиш анъанага айланиб қолди. «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» турнири ҳам мамлакатимизда ўн бир йилдан буён муваффақиятли ўтказиб келинади. Бу турнир ўтган давр мобайнида иқтидорли спортчиларни тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мана, икки йилдирки, «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги»га Халқаро спорт курашлари Федерацияси (FILA) томонидан уюштириладиган «Олтин Гран при» турнири мақоми берилди. Бугунги кунда FILAга дунёнинг 100 дан ортиқ давлати аъзо. «Олтин Гран при» туркумидаги мусобақалар аъзо давлатларнинг учтасидагина ўтказилади. Бу мусобақа нуфузи қанчалик юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Биз учун аҳамиятлиси шуки, шу давлатлар ичида Ўзбекистон ҳам бор.

(Давоми 4-бетда).

## Журналистика соҳасида «Олтин қалам» II миллий мукофоти

**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ**

***Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндошувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» халқаро танловини ўтказади.***

Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказиладиган бу танловга 2006 йилнинг 31 мартидан 2007 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевиденеда кўрсатилган ва Интернет саҳифаларида берилган материаллар 2007 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.** Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:**

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
— фаол фуқаролик позицияси учун;
— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
— ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги энг яхши материал учун;
— энг яхши журналистик текшириув учун;
— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
— энг яхши режиссёрлик иши учун;
— йилнинг энг яхши дебюти учун;
— энг яхши фоторепортаж учун;
— энг яхши карикатура учун;
— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда Интернетда эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва Интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
— паспорт нусхаси.

**Танлов ғолибларини мукофотлаш 2007 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни тантанали равишда ўтказилади.**

*Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.*
*Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:*
*Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри-100129, Навоий кўчаси, 30-уй.*
*3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар*
*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси*
*Телефонлар: 144-64-62; 144-64-61; 144-37-87; Факс: 144-69-65*
*E-mail: ijod@ sarkor.uz www.Journalist.uz*

## ЭШИТДИНГИЗМИ ?

**Японияда ишлаб чиқарилган роботлар қатор хонадонларда уй бекаларига ёрдамлашмоқда. Жумладан, улар уй ичида бемалол ҳаракатланиб, қаҳва ва чой дамлаш ҳамда идиш-товоқларни ювиш каби юмушларни беками-кўст бажаришади. Шунингдек, роботлар касалхоналарда ётган оғир беморларнинг ёнида ўтиришлари ва уларни овқатлантиришлари ҳам мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, бундай «беминнат» ёрдамчиларга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда.**

# Асл қадриятни асраган замин

*«Мусулмончилик — астачилик», дейдилар. Бағри бутун, эътиқоди мустаҳкам халқимизнинг салоҳиятли карвони кундан-кун, йилдан-йил хайрли, файзу баракотли манзилларга элтмоқда. Яқинда бир янгилик туфайли Ўзбекистон бутун жаҳон назарига тушди: Тошкент шаҳри 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинди. Дилимиз ғуруру шодликка тўлди. Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган сермазмун интервьюси чоп этилди. Айни пайтда мазкур оламшумул воқеа ҳамон кенг жамоатчилик эътиборида турибди.*

Дилию онги соф аждодларимиз жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини бутун олам тан олиб турган чоғда уларнинг диний эътиқод соҳасида кўрсатган мардликлари хусусида шундай мисол келтириш ўринлидир. Ўзбекистондан муборак Ҳаж сафарига борганлардан бирига арабистонлик тарихшунос олим шундай деган эди: «Сизлар бир нарсани аниқ англаб олинглар, агарда имом Бухорий, Нақшбанд, Марғиноний, Мотуридий, Замахшарий, имом Термизий, Яссавий каби забардаст инсонлар ўз вақтида сизларнинг ерингизга вақшат билан киришга хуруж қилган турли диний оқимлар, қарашларга қарши мардларча туриб бермаганларида, заминларингиз вайрон бўлиши муқаррар эди. Ҳозир сизлар тошларгаю ўтларга, ҳайвонларга сиғиниб юрган бўлардинглар. Ана шундай буюклар руҳини доимо шод тутган Президентларингизга раҳмат. У инсон ҳам улуғ салафар каби мардлик билан, улкан қоя бўлиб турли тажовузларга қарши туриб бераяпти».

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Президенти ана шундай буюк аждодларимиз матонати ва шиддатини эъзозлаб буткул янгидан бу азиз авлиёларнинг ҳоки қўйилган ерларни оламшумул саждагоҳ даражасига етказди. Энди олам аҳли бу зиёратгоҳларга ташрифни ҳаётининг бахтли онлари деб билмоқдалар.

Ҳозирда Ўзбекистонда 1700 дан ортиқ масжид, ислом таълимотини замон талаблари асосида ўргатаётган ўндан ортиқ олий ва ўрта махсус ўқув юртлари фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмаларининг ноёб фонди ЮНЕСКОнинг «Жаҳон тарихий дурдоналари» рўйхатидадир. Тошкентда сақланаётган Усмон Қуръони халқимизнинг туморидек эъзозланиб-қадрланиб келмоқда. Беруний кутубхонаси Тошкент шаҳрида эканлиги ҳам бежиз эмас. Тошкент илму фан, дўстлиги эътиқод тимсолига айланиб бўлган. Юртбошимиз ўша интервьюсида Тошкентимизда ноёб ва мўътабар мерос кўз қорачиғидай сақланаётгани, бу ерда халқ асраган дурдоналар ёшлар онгига сингдирилаётгани, жаҳон жамоатчилигига тарғиб ва таранним этилаётгани Шарқ томонидан эътироф қилинганини таъкидлади.

«Ола эккан оз олар, тоза эккан соз олар», дейдилар. Ўзбекистон Президентининг шахсий ташаббуси билан мамлакатда диний, дунёвий, фундаментал фанларини ўқитиш борасида улкан қадамлар қўйилмоқда. Бухоро ва Тошкент Ислом институтлари, Ислом университети фаолияти натижасида ҳар қандай ғоявий тазйиқларга мардонавор туриб жавоб берувчи билимдон ёшларимиз юксак малакага эришмоқдалар. Инсон эътиқодли бўлиб туғилмайди. Уни эътиқодли қилиб тарбияловчи комил инсонлар зарур.

Жамият ривожининг икки қанотидан бири бўлмиш диний юксалиш йўли — инсон қалби ва маънавий баркамоллиги йўлидир. Унга эътибор халқимиз тарихи ривожида доимо улкан бўлган. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний бирлашмалар тўғрисида»ги Қонунига биноан, мамлакат фуқаролари ўзлари хоҳлаган динга сиғинишлари мумкин. Мазкур ҳужжат

**Депутат сўзи**

мамлакатда ҳар қандай диний йўналишларнинг ўз маросимлари ва ибодатларини адо этишлари учун ҳуқуқий асос вазифасини бажариб келмоқда. Президентимиз олиб борган саботли ҳаракатлар туфайли юртимиз «Иккинчи Макка» деб аталиши даражасига етди. Жаҳонда Ўзбекистон «Диний бағрикенглик» тимсолига айланди.

Бизнинг маънавий юксаклигимиз кўзгусига айланган улкан иншоотларимиз бўлиб, Самарқандда Имом Бухорийнинг 1225 йиллиги муносабати билан йирик мемориал мажмуа ишга тушди. Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги, Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллиги шарофати билан мўътабар қадамжоларда муҳташам обидалар қад кўтариб, улар миллионлаб мусулмонларнинг зиёратгоҳига айланди. Бундай кенг кўламли ва савобли ишлар туфайли аждодларимиз руҳи шод бўлиб, заминимизга файзу барака ёғаётир, дейишга ҳақлимиз.

Президентимиз интервьюларида Тошкентга «Ислом маданият пойтахти» деб ном беришга асос бўлган омиллар ҳақида алоҳида тўхталдилар. Бой тарихий, маънавий ўтмишга таянган ушбу хулосаларга барча юртдошларимиз қаторида биз ҳам астойдил қўшиламиз.

Бир пайтлар араб мамлакатларидаги ҳукмдорлардан бирининг «Агарда имом Бухорий, Нақшбанд ҳоки ётган ерларни бизларга масжиди билан олиб кетишга рухсат берсанглар — унга тенг тилло берамиз» деган гаплари халқ орасида юрар эди. Бу гапда муболаға бўлса-да, ҳақиқатан ҳам, бутун Ислом дунёси муборак заминимизни шундай эътироф этгани рост. Бутун жаҳон муқаддас деб билиб, «Зиёратгоҳлар сарвари» деб аталган ерларда собиқ тузум мафкурачилари айнан ўша масжидлару биноларни заҳарли кимё моддалари омборхонаси қилиб келганликларига нима дейсиз?

Ўз отасининг вафоти чоғида масжидга бориб, унга жаноза ўқишдан қўрққанликлари бугун хосиятсиз туш каби эсга олиняпти. Ҳатто Наврўз байрами ҳам диний хурофот байрами деб тақиқланган эди. Эндиликда халқимиз тўлиқ иймон билан хайрли эҳсонлар, Хатми Қуръон, маъракаларда қатнашиб, якдилликларини намоён этмоқда. Телевидение, радио орқали берилаётган туркум турли диний кўрсатувлару эшиттиришлар, диний адабиётлару китоблар ранго-ранглиги дилимизни ҳам, кўзимизни ҳам завққа тўлдирмоқда.

Оддий бир мисол. Ҳар йили минг-минглаб инсонлар Ҳаж сафарига ўз сармояси ҳисобига бориб келаётганликлари тўқчилик нишонаси эмасми? Юртдошларимиз бировдан қарз олиб, бундай сафарга чиқиш мумкин эмаслигини яхши биладилар.

Бу ўринда ҳозирда республикамизда хотин-қизлар орасида олиб борилаётган ишлар, айниқса, эътиборлидир. Ҳар бир аёл оилада муқаддас она бўлиб, камида 3-4 тадан фарзанд тарбиячисидир. Бу жуда катта таъсир кучига эга. Шукрки, улар вазиятни чуқур англаб, оқилалик билан умргузаронлик қилишяпти. Шунингдек, ҳар бир кўча ва маҳалла турар-жойларида маърифатпарварлик ишлари олиб борилаяпти.

Араб сиёсатчи олими Амар ал-Санжарийнинг «Ислом динининг турли динларни, масҳабларни, халқлар ва элатларни бирлаштирувчи дин эканлиги Ўзбекистонда ўзининг яққол аксини топди. Бу жаҳон миқёсида мисли кўрилмаган хайрли ҳолатдир» деган гапларидан кишининг кўкси кўкларга етади. «Ўзбекистон Осиё юраги бўлса, энди Осиё виждонига ҳам айланибди», — деган эди у.

Тошкентга «Ислом маданияти пойтахти» деган олий мақом берилгани бутун мамлакатимиз фуқароларининг онгу тафаккурига руҳий кўтаринкилик бахшида этди. Мен бунга ўз сайловчиларим билан ўтказган мулоқотларимда тўлиқ ишонч ҳосил қилдим. Одамлар шундай юксак эътиқод учун муносиб бўлишимиз кераклигини юракдан англяптилар. Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, азиз Ватанимизнинг шонш-шуҳратини янада зиёда қилиш истаги халқ қалбидан мустаҳкам жой олмоқда.

Халқимиз «Илоё, тан соғлиқ, хотиржамлик, кетмас давлат, кенг феъл бергин» деб дуо қилади. Лекин яна бир «Тўғри йўлдан адаштирмасин» деган ҳикмат ҳам бор. Биз буюк давлат қуриш йўлидан боряпмиз. Ва бу ишда Ислом Каримов йўлбошчилик қилмоқда. Энди биз «Синовингдан айланай!» деб чин дилдан шукроналар ўқиб, енг шимариб барча қийинчиликларни мардона енгишга киришганмиз. Бу олийжаноб мақсад йўлидан Ўзбекистонни ҳеч ким қайтаролмайди!

**Мунира ҚОРИЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# Доимий комиссиялар фаолиятига бағишланди

*Олий Мажлис Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги ҳамда уларнинг минтақавий ривожланиш муаммоларини ҳал этишдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилишини таъминлаш масалалари бўйича гуруҳи халқ депутатлари Хоразм вилояти ва Янгиариқ туман кенгашлари билан мазкур туман ҳокимлиги семинар-мунозара ўтказди. Семинар халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш масалаларига бағишланди.*

Семинарда ҳозирги кунда мамлакатимизда барча даражадаги вакиллик ҳокимияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилганлиги таъкидланди. Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг шу йилнинг январь ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенатнинг ва Сенат қўмиталарининг қарорлари ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги тўғрисида»ги қарори ҳам бу борадаги муҳим аҳамиятга молик ҳужжат экани қайд этилди.

Бугунги кунда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг 8 та, халқ депутатлари шаҳар ва туманлар кенгашларининг ҳар биттасида 9

**Парламент ҳаёти**

тадан, жами 55 та доимий комиссияси иш олиб бормоқда.

Тадбирда халқ депутатлари кенгашлари ва доимий комиссиялари фаолиятидаги камчиликлар танқид қилинди. Масалан, айрим туманлар кенгашлари сессияларида, доимий комиссиялар йиғилишларида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга доир аниқ чоралар белгилаш, халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашлари депутатларининг фаоллигини оширишга етарлича эътибор берилмаяпти. Баъзи туманлар кенгашларининг доимий комиссиялари томонидан режалаштирилган ишлар белгиланган муддатларда бажарилмаяпти. Мажлис баённомалари номигагина расмийлаштириб қўйилмоқда.

Семинар-мунозарада маҳаллий кенгашлар ва уларнинг доимий комиссиялари ишидаги бундай камчиликларни бартараф этиш масаласига эътибор қаратилди ва тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Наврўз арафасида**

*Юртимизга кўклам келиб, Наврўз байрамига тайёргарлик қизғин тус олган шу кунларда пойтахтимизнинг "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида баҳор таровати янада яққолроқ кўзга ташланмоқда. Бу, аввало, шаҳарчанинг кўркам ва обод манзарасида, талаба йигит-қизларнинг қувонч, бахт, эртанги кунга ишонч туйғулари балққан навқирон чеҳраларида намоён.*

*Кейинги йилларда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бу ерда кенг кўламдаги бунёдкорлик ва таъмирлаш, ободончилик ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу эзгу ва хайрли юмушларнинг барчаси мамлакатимиз ёшлари камолоти йўлида олиб борилаётган залворли ишларнинг амалдаги ифодасидир.*

# ЁШЛИК, БАҲОР ВА БАРКАМОЛЛИК ГЎШАСИ

## Соғлом авлод орзуси

Мустақиллик туфайли кўпдан-кўп хайрли ниятларимиз рўёбга чиқмоқда. Халқимиз истиқлол неъматларидан баҳра олаётган мана шу дориломон замонда бошқа соҳалар қатори таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалалари ҳам давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида.

Юртимизда истиқлолнинг илк кунларидаёқ, маърифат – тараққиёт мезони, деб қатъий белгиланди. Зеро, юксак марраларни кўзлаган ҳар қандай миллат, халқ учун таълимни ривожлантириш — ҳаёт ва мамот масаласи бўлиб келган.

Узлуксиз таълимнинг ўзбек модели сифатида эътироф этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосидаги ягона таълим комплекси ёш авлодга таълим бериш жараёнининг барча бўғинларини қамраб олди. Ана шу дастурилмамал ҳужжатларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши соҳада амалга оширилаётган тадрижий ислоҳотларимизнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминламоқда.

Айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли ишлар, таълим тизимига киритилаётган янгиликлар нафақат юртимиз аҳлининг, балки хорижий экспертларнинг ҳам таҳсинига сазовор бўлмоқда. Замон талабларига тўла жавоб берадиган янгидан-янги таълим масканлари бунёд этилиб, зарур ўқув жиҳозлари, техник ускуналар билан таъминланаётир. Янги таълим стандартлари, дастур ва қўлланмалар, дарсликлар, илғор педагогик технологиялар ҳаётга изчил жорий қилиняпти.

— Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятни, авваламбор, ўзимиз учун, униб-ўсиб келаётган, бугун бошлаган ишларимизни эртага давом эттиришга қодир фарзандларимиз учун қурмоқдамиз, — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Рўзимурод Чориев. — Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидаёқ соғлом авлод тарбияси устувор вазифа деб белгилаб олинди. Баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз таъкидлаганидек, буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади.

## "Ётоқхона" эмас — Талабалар турар жойи!

Талабалар шаҳарчаси ўтган асрнинг 60-80-йиллари оралиғида, йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида бунёд этилган. Бироқ юртимиз ёшларини билимдон, иродаси бақувват, иймони мустаҳкам инсонлар сифатида вояга етказиш, миллий истиқлол ғоясини фарзандларимиз қалби ва онгига сингдириш, уларни зарарли ғоялар таъсиридан сақлаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш учун масъул маърифат ўчоқлари — талабалар ётоқхоналарининг аҳволи, афсуски, замон талабларидан анча ортда эди.

— Юртбошимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги туфайли қисқа вақт ичида шаҳарча қиёфаси тубдан ўзгарди, — дейди "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги матбуот котиби Назира Ҳамроева. — Илгари "ётоқхона" деб аталган ғариб бинолар бугунги кун нуқтаи назаридан, талаба ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда капитал таъмирланди. Эндиликда замонавий шарт-шароитга эга бу бинолар Президентимиз таклифи билан талабалар турар жойлари, деб аталадиган бўлди. Бу номда шакл ва мазмуннинг ўзаро уйғунлиги намоёндир.

Бугунги кунда шаҳарча ҳудудида 26 таълим муассасасининг қирққа яқин турар жойи бор. Шаҳарчанинг 600 гектарлик катта майдонида жойлашган ана шу уйларда 40 мингдан зиёд талаба ва ўқувчи, шунингдек, малака ошириш институтлари тингловчилари истиқомат қилади.

Ўтган даврда уларнинг турар жойлари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, янгиланган ва бунёд этилди, замон талаблари асосида жиҳозланди. Уйларнинг атрофида равон йўл ва йўлаклар барпо қилинди. Айни чоғда бу ерда ёшларнинг ўқиши ва яхши дам олиши учун барча зарур шароитлар муҳайё.

Шаҳарча ҳудудида бозор, талабаларга доимий хизмат кўрсатувчи ўқув қуроллари ва китоблар ярмаркаси, 8 та матбуот тарқатиш шохобчаси фаолият кўрсатмоқда. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, поликлиника ёшлар хизматида. Овқатланиш шохобчалари ҳам замонавий таъмирланиб, тўлиқ жиҳозланган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалар турар жойлари дирекцияси директори Нўъмонжон Мамадалиевнинг айтишича, шаҳарча ҳудудида университетнинг саккизта талабалар турар жойи мавжуд бўлиб, уларда қарийб икки минг йигит-қиз яшайди. Талабалар турар жойларида спорт зали, Интернет тармоғига уланган компьютер хонаси, ошхона, дам олиш ва ювиниш хоналари мавжуд. Маънавият ва маърифат хоналарида турли тадбирлар ташкил этиш, даврий нашрларнинг янги сонлари, муҳим ва қизиқарли адабиётлар билан мунтазам танишиб бориш мумкин.

— Ҳозирги кунда биз, ёшларга яратилган бундай имкониятлардан унумли фойдаланишимиз, бу юксак ғамхўрлик ва эътиборга муносиб бўлишга интилишимиз лозим, — дейди Миллий университетнинг фалсафа факультети 3-курс

талабаси Дилмурод Қурбонов. — Бошқача айтганда, "Ватаним менга нима берди?" деб эмас, "Мен Ватаним учун нима қила олдим?" деб яшашимиз даркор.

Сариштали уй — фариштали уй, дейди халқимиз. Талабаларда "турар жойимиз — ўз уйимиз" фикрини шакллантириш мақсадида шаҳарча ҳокимлиги ва тегишли жамоат ташкилотлари томонидан 2006 йил мобайнида мониторинг ўтказилди ва унинг якунлари бўйича ғолиблар муносиб тақдирланди. Бундай ташаббуслар шаҳарчада тартиб-интизом, саранжом-саришталик янада яхшиланишида, айниқса, талабалар ўртасида ўзини ўзи бошқариш тизими изчил ривожланишида қўл келмоқда.

— Маҳалламиз аҳолиси 5500 нафардан иборат бўлиб, ярми талабалардир, — дейди шаҳарча ҳудудидаги «Университет» маҳалласи раиси Малика Бобоқулова. — Маҳалламиз аҳли истиқомат қиладиган 22 та кўп қаватли уй обод ва шинамлигидан кишининг дили яйрайди. Уларнинг атрофига 320 туп арча экдик. Наврўз арафасида кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин паллага кирмоқда. 10-11 март — умумхалқ хайрия ҳашари кунлари бу борадаги ишлар янада кенг қулоч ёзади.

## Таълим — тарбия билан тўкис

Қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш, ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш — бу дунёда бундан ортиқроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ халқимизни маърифий уйғоқликка чорлаб баралла янграган ушбу оташин даъват бу соҳадаги ишларимизнинг асосий йўналишларини белгилаб бериб-гина қолмай, кейинги йилларда том маънода ҳаётимиз аъмолига айланди.

Миллий менталитетимизга кўра, таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан айрича тасаввур этиш мумкин эмас. Таълим ва тарбия — ўзаро узвий боғлиқ бўлган шарқона тушунчалардир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотнинг чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга биноан муттасил ўзгариб — янгиланиб бораверади.

Бу — узлуксиз жараён, ўз галида, у таълим-тарбия учун масъул барча раҳбарлар ва ходимлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Негаки, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғликдир.

"Маънавият ва маърифат" марказининг муҳташам биносида йигит-қизларнинг қизиқиш ва интилишларига биноан ташкил этилган клублар фаолият кўрсатмоқда. "Ёш ижодкорлар", "Мунозара", "Нотиқлар", "Ёш экологлар", "Қувноқлар ва зукколар" клублари, "Нафосат" қизлар клуби, "Ихтирочи ёшлар" гуруҳи, медиа-марказ шулар жумласига киради.

"Ёш ижодкорлар" клуби қошидаги рақс, шунингдек, инглиз ва рус тили секторларида мингдан зиёд талаба машғул. "Замонавий либослар дизайни" ўқув марказининг бошловчи ва давом эттирувчи гуруҳларида ҳам мунтазам машғулотлар йўлга қўйилган. Социологик-психологик хизмат кўрсатиш бўлими, ҳуқуқий маслаҳатхона доимо ёшлар хизматида.

Президент Ислом Каримов 2005 йилнинг декабрь ойида шаҳарчада бўлиб, талабаларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ва унумли ўтказишлари учун яратилган қулайлик ва шароитни кўздан кечирар экан, бу ерда бир гуруҳ талабалар билан самимий суҳбатлашган эди. Учрашув давомида ёшларимиз ўртасида маънавий-маърифий тарбия билан боғлиқ масалаларга катта қизиқиш ва эҳтиёж борлиги аён бўлди.

— Ўтган даврда талаба ва ўқувчи йигит-қизлар ўртасида ватанпарварлик, фаол фуқаролик позициясини тарбиялаш, инсонпарварлик, ҳуқуқий ва онгли интизом тарбияси, ғоявий-сиёсий, мафкуравий, ахлоқий тарбия йўналишларида, шунингдек, ёшларни оилавий ҳаётга йўналтириш бўйича юзлаб қизиқарли тадбирлар, семинар-тренинглар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ташкил этилди, — дейди "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси "Маънавият ва маърифат" маркази директори Олимжон Худойназаров. — Турли мавзулардаги мунозаралар, очиқ мулоқотлар, давра суҳбатларида таниқли фан ва маданият намояндалари, санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, депутатлар ва сенаторлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Бу борада шаҳарчада Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Ҳомийлар ва шифокорлар йилида амалга оширилган ва Ижтимоий ҳимоя йилида белгилаб олинган тадбирлар кенг қамрови ва янгича ёндашувга асосланганлиги билан алоҳида эътиборга сазовор эканини таъкидлаш жоиз.

Бу ерда маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этишда Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори ҳуқуқий дастурилмамал бўлмоқда. Бунда, аввало, ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ижросига жиддий ёндашилаётгани эътиборга моликдир.

## "Универсиада – 2007": тайёргарлик қизғин

Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий етук, айни чоғда жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз зарур, деб таъкидлаган эди Президентимиз. Бу мақсадларимиз моҳиятини, аввало, ёшларнинг ўзи яхши тушуниб олишлари керак. Сен соғлом бўлишинг керак, шундагина халқимиз, миллатимиз янада кучли бўлади, деган фикрни уларнинг қалби ва онгига сингдириш лозим.

Талабалар шаҳарчасида бир қанча янги спорт мажмуалари қурилди, мавжудлари эса реконструкция қилинди. Жорий йилда "Универсиада" мусобақалари пойтахтимизда бўлиб ўтади. Шу муносабат билан шаҳарчада спортнинг баскетбол, кураш, белбоғли кураш, дзюдо, волейбол, қўл тўпи, енгил атлетика, сузиш, теннис, стол тенниси, шахмат, футбол каби ўндан ортиқ турлари бўйича мусобақалар учун тегишли имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Давлат техника университетида спорт мажмуалари, теннис кортлари, волейбол, баскетбол майдончалари қайта таъмирланди. Айниқса, ҳар икки университетда гимнастика заллари ва ёпиқ сув спорти саройлари янгидан барпо этилгани диққатга лойиқ.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилган Ўзбекистон Миллий университетига қарашли сув спорти саройи пойтахтимизда халқаро мусобақаларни ўтказиш талабларига жавоб берадиган замонавий иншоотлардандир. Мутасаддиларнинг айтишича, бўйи 50, эни 21 метр, чуқурлиги эса 2,5 метр бўлган 8 та сузиш йўлакчасига эга ушбу ҳовузда сув спортининг кўплаб турлари бўйича мусобақалар ўтказиш мумкин. Ҳозир у талабаларнинг севимли масканларидан бирига айланган.

Тошкент Давлат техника университетининг янги спорт мажмуида эса ҳафта давомида тўрт минг нафар киши спортнинг ўн бешга яқин тури билан мунтазам шуғулланиши учун барча имконият ва шароит яратилган. Замонавий талаблар асосида қурилган ушбу йирик мажмуанинг спорт зали, ёпиқ сув ҳавзаси, баскетбол, волейбол, минифутбол майдонлари наинки талабаларга, балки яқин-атрофдаги маҳаллалар болалари ва мактаблар ўқувчиларига ҳам хизмат қилмоқда.

Айни пайтда шаҳарчада "Универсиада — 2007" иштирокчиларининг дам олиши ва овқатланиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

## Ҳар миллат илм олди — ёнди чироғи

Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Биз ёшларимиз — ўз фарзандларимиз билан фахрланишни истасак, улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришишимиз лозим. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт.

Ҳа, неча-неча аждодларимиз орзуармони ушалган бугунги кунда маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг "Эй миллат, ухлама, илм олур чоғи, ҳар миллат илм олди — ёнди чироғи" деган ўтли мисралари янада долзарблик касб этмоқда. Таълимни ривожлантириш жабҳасида олдимизда турган залворли, айни чоғда шарафли юмушлар кўлами ўзини шу юртнинг ватанпарвари деб билган ҳар бир инсондан фикрий уйғоқликни, ташаббускорлик ва фаолликни талаб этаётир.

Талабалар шаҳарчасининг шинам, замонавий биноларини, озода кўчаларини, Наврўз нафаси уфуриб турган кўркам боғу гулзорларини ҳавас ва фахр билан томоша қилиш, бу ерда талабаларнинг рисоладагидек яшаши, таълим-тарбия олиши, ҳордиқ чиқариши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиш асосида ана шу фикр-мулоҳазалар хаёлимиздан кечди.

"Ёшлик вақтим – олтин тахтим", дейдилар. Бу ҳикмат мазмунида ёшликнинг қадрига ет, куч-қудратинг, ғайрат-шижоатинг борида эл-юрт кунига, Ватан хизматига ярай бил, деган доно ўгит мужассам. Шаҳарча фуқаролари — навқирон йигит-қизлар билан мулоқотлар чоғида талабаларнинг онгу шуурида айнан шундай юксак мақсад ва интилишлар мужассам эканига гувоҳ бўлдик.

Бинобарин, шаҳарчада амалга оширилган бунёдкорлик, ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари, бу ерда талабалар учун яратилган қулай шароит, Президентимиз таъкидлаганидек, "ёшларимизнинг мустақил фикрининг шаклланишида, тафаккур доирасининг кенгайишида, илмга бўлган қизиқишининг кучайишида, қалбида она-Ватанга, халқига нисбатан меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади".

**Гулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

**СУРАТЛАРДА: «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси фаолиятидан лавҳалар.**
**Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.**

# Чемпионлар Тошкентда беллашмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Албатта, бундай нуфузли турнирнинг мамлакатимизда ўтказилишининг яна бир сабаби бор. Эркин ва юнон-рум кураши бўйича ҳамюртларимизнинг халқаро спорт майдонларида эришаётган ютуқларини барча кўриб турибди. Ҳақли равишда Ўзбекистон — полвонлар юрти, деб эътироф этилади. Мустақиллик йилларида мамлакатимиздан бир неча Олимпиада, жаҳон ва қитъа чемпионлари етишиб чиқди. Қолаверса, пойтахтимиз ва жойлардаги замонавий спорт иншоотларида ҳар қандай нуфузли мусобақани ўтказиш имконияти мавжуд.

«Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» халқаро турнирида Арманистон, Озарбойжон, Беларусь, Грузия, Ҳиндистон, АҚШ, Украина, Жанубий Корея, Қозоғистон, Қирғизистон каби дунёнинг йигирмага яқин мамлакатларидан келган полвонлар ғолиблик учун куч синашмоқда.

— «Олтин Гран при» турнирида энг саралланган полвонларгина қатнашади,— деди тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан FILA президенти Рафаэль Мартинетти. — Шу сабаб кичик жаҳон чемпионати деб таърифланадиган бу турнирда иштирок этиш учун баҳс доимо қизғин давом этади. Ўзбекистонда ўтган кўплаб нуфузли мусобақаларда қатнашганман. Улар юқори савияда ташкиллаштирилади. Буни юртингизда спортга берилаётган катта эътибор самараси, деб ҳисоблайман. Бу сафарги турнирда ҳам Олимпиада, жаҳон ва Европа чемпионатлари совриндорлари иштирок этаётганлиги мусобақа нуфузи юқорилигини кўрсатиб турибди. Тошкент гиламлари 2008 йили Пекинда бўладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинлари олдидан полвонлар учун ўзига хос синов вазифасини ўтайди.

Турнирга Маъмуржон Рўзиев бош мураббийлик қилаётган эркин курашчиларимиз Тошкент вилоятининг Қизилтоғ шаҳарчасида тайёргарлик кўришди. Олимпиада ва жаҳон чемпионатлари совриндорлари Артур Таймазов (120 кг.), Магомед Ибрагимов (96 кг.), қитъа ва жаҳон биринчиликлари совриндорлари Сослан Тигиев (74 кг.), Заурбек Сохиев (84кг.), жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров (55 кг.) ва бошқа полвонларимиздан медаллар кутишга ҳақлимиз.

Комил Фатхуллин бошчилигидаги юнон-рум кураши бўйича полвонларимиз ҳам ўз олдиларига катта мақсадни қўйишган. Улар дунёнинг турли чеккаларида ўтган турнирларда маҳоратларини ошириб қайтишди. Тошкентдаги республика Олимпия заҳиралари коллежида курашчилар сўнгги ўқув-йиғин машғулотларида синовдан ўтказилди. Александр Доктурашвили, Дилшод Орипов ва бошқа полвонларимиздан ҳам умид катта. Шунингдек, мураббийлар турнирда ёш курашчиларни ҳам синовдан ўтказишни режалаштиришган.



Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

Сўнгги соатда

# Илк медаллар эгасини топди

«Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» халқаро турнири мусобақаларини юнон-рум кураши бўйича полвонлар бошлаб беришди.

Ҳамюртимиз, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Элбек Тожиев (55 кг) ўз вазнида саралаш мусобақаларини муваффақиятли бошлаганди. Фақат ярим финалда ундан омад юз ўгирди. Юртдошимиз учинчи ўрин учун кечган баҳсда озарбойжонлик полвон Равшан Байрамовни мағлубиятга учратди. Вакилларимиздан XV Осиё ўйинлари совриндори Равшан Рўзиқулов, Давид Солдатзе ҳам ўз вазн тоифаларида бронза медалларини қўлга киритдилар.

Шалма Гадибидзе (Грузия), Сослан Фарниев (Россия), Александр Куш (Украина), Денис Фарон (Арманистон), Жавид Абдуллаев (Озарбойжон)лар ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

**Ўз мухбиримиз.**

# «Tanzolymp – 2007» олтин нишони – ўзбек раққосаларига

***Берлинда «Рақс чўққиси» («Tanzolymp – 2007») болалар ва ўсмирлар рақсларининг халқаро фестиваль-танлови ниҳоясига етди***

Танловда Европа, Осиё ва Америка минтақалари вакиллари — дунёнинг 22 мамлакатидан келган 700 нафар ёш ижрочи иштирок этди. Иқтидорли ёшларга ўзаро ижодий мулоқот учун имконият яратиш, янги талантларни кашф этиш ҳамда Германия жамоатчилигини турли мамлакатлар халқларининг маданияти ва санъати билан таништириш ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад эди.

Рақс танловида Ўзбекистондан икки мусиқа жамоаси – Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарларида фаолият кўрсатаётган «Экспрессия» ҳамда «Афсона» ансамбллари қатнашди. Улар икки тоифа бўйича, яъни 16 – 18 ҳамда 19 – 21 ёшлар оралиғидаги ижрочи гуруҳлар доирасида ўз санъатларини намойиш этишди.

Эстрада ва фольклор жанрларидаги замонавий ҳамда миллий рақслар юртдошларимиз маданий дастурларидан жой олган эди. Турли мамлакатларнинг томоша бизнеси соҳасидаги таниқли арбоблари, бастакорлар ва мусиқали эстрада юлдузларидан ташкил топган халқаро ҳайъат ёш ўзбек раққосаларининг иқтидори ва бетакрор ижро маҳоратини муносиб баҳолади. Ҳайъат аъзолари ўзбек жамоаларининг танлов сўнгги босқичидаги, яъни гала концертдаги иштирокини ёқлаб овоз беришди. Таъкидлаш керакки, 700 иштирокчининг фақат 100 нафари танловнинг ушбу босқичига йўлланма олган эди.

Мазкур боскич натижалари бўйича ҳар икки ўзбек жамоаси намойиш этган маданий дастурлар энг яхши чиқиш, деб топилди. Уларга танловнинг олтин нишонлари тантанали равишда топширилди.

**М. БОБОНАЗАРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
**Берлин.**

# ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

**2006-2007 ўқув йили битирувчиларини ишга тақсим қилишга киришди.**

**Вазирликлар, концернлар, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, автосаноат, автотранспорт ва автотеххизмат корхоналари, автойўл ташкилотлари, касб-ҳунар коллежлари ва махсус автомактаблар раҳбарларидан, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, «Ватанпарвар» ташкилоти бўлинмалари, шунингдек, замонавий билимларга эга бўлган, компьютер технологияларини мукаммал ўрганган, ҳар томонлама фаол битирувчиларимизга эҳтиёжи бўлган бошқа ташкилотлар раҳбарларидан, буюртмаларингизни 15 мартдан кечиктирмасдан 700060, Тошкент шаҳри, «Мовароуннаҳр» кўчаси, 20-уй манзилига ёки 132-14-80 рақамли факсга ёки tadi info @ edu.uz электрон почтамизга мулоқот учун маълумотларингизни кўрсатган ҳолда юборишингизни сўраймиз.**

**Битирувчилар ярмаркаси ва дастлабки тақсимот 2007 йил 31 март куни соат 10.00 да институт мажлислар залида ўтказилади. Эътиборингизга битирувчилар тўғрисидаги маълумотларни ҳавола қилаяпмиз.**

**(Г — давлат гранти асосида, Ш — шартнома асосида)**

## БАКАЛАВРЛАР

| Таълим йўналишлари | Жами | | Битирувчиларнинг доимий яшаш жойлари | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Андижон | | Фарғона | | Наманган | | Тошкент ш. | | Тошкент вил. | | Қорақалпоғистон Республикаси | | Сирдарё | | Жиззах | | Самарқанд | | Навоий | | Қашқадарё | | Сурхондарё | | Бухоро | | Хоразм | |
| | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш |
| Менежмент | 21 | 33 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 5 | 14 | 1 | 9 | | | | | | 1 | | 1 | 1 | 3 | 3 | 1 | 3 | | 5 | | 1 | 2 |
| Иқтисодиёт | 10 | 27 | | 1 | | | | | 3 | 15 | 1 | 4 | | | | 1 | | | 1 | 1 | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 3 | 2 | | 1 |
| Маркетинг | 10 | 15 | | | | | 2 | | 1 | 8 | 1 | 3 | | | | | 1 | | 1 | | | | 1 | 3 | | | 2 | | 1 | 1 |
| Бинолар ва иншоотлар қурилиши (транспорт) | 23 | 31 | 2 | | 1 | | | 1 | 11 | 8 | 3 | 9 | | | | 2 | | | 1 | 2 | 3 | 1 | 1 | 4 | 1 | 1 | | 2 | 1 | |
| Ер усти транспорт тизимлари (ЕУТТ) | 47 | 91 | 3 | 6 | 4 | 2 | | 3 | 12 | 15 | 6 | 20 | | | 2 | 3 | | | 2 | 8 | 2 | 6 | 8 | 14 | 1 | 1 | 6 | 9 | 1 | 4 |
| Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш (ТВИТ) | 61 | 129 | | 5 | 2 | 3 | 2 | 2 | 25 | 32 | 11 | 40 | | 3 | 2 | | 1 | | 2 | 12 | 6 | 3 | 4 | 18 | 2 | 1 | 1 | 4 | 3 | 6 |
| Касбга ўқитиш (ЕУТТ) | 22 | 18 | 2 | | | | | | 2 | 3 | 8 | 7 | | | | 2 | | | 2 | 3 | 1 | | 1 | 1 | 1 | | 5 | 2 | | |
| Касбга ўқитиш (ТВИТ) | 15 | 6 | | | | | | | 4 | 2 | 3 | 4 | | | 1 | | 1 | | 1 | | 1 | | 2 | | | | 2 | | | |
| Электротехника, электромеханика ва электротехнология | 15 | 13 | | 2 | | | | 1 | 1 | 4 | 6 | 4 | 1 | | | | | | | 1 | 1 | | 4 | 1 | 1 | | | | 1 | |
| Атроф-муҳит муҳофазаси | 13 | 14 | | | | | | 1 | 3 | 5 | 2 | 6 | 1 | | | | 1 | | | | 2 | | 4 | 2 | | | | | | |
| Транспорт иншоотларидан фойдаланиш (автойўллар) | 7 | 5 | | | | 1 | | | 1 | | 2 | 3 | | | | | | | | | | | 2 | 1 | | | 2 | | | |
| Технологик машиналар ва жиҳозлар | 7 | 9 | | 1 | | | | 2 | | 3 | | 1 | | | | | | | 1 | | | 1 | 5 | | | | | 1 | 1 | |
| **Жами** | **251** | **391** | **8** | **16** | **7** | **8** | **4** | **10** | **68** | **109** | **44** | **110** | **2** | **3** | **5** | **8** | **4** | **1** | **11** | **28** | **17** | **14** | **36** | **46** | **10** | **4** | **26** | **20** | **9** | **14** |

## МАГИСТРЛАР

| Магистратура мутахассислиги | Жами | | Битирувчиларнинг доимий яшаш жойлари | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Андижон | | Фарғона | | Наманган | | Тошкент ш. | | Тошкент вил. | | Қорақалпоғистон Республикаси | | Сирдарё | | Жиззах | | Самарқанд | | Навоий | | Қашқадарё | | Сурхондарё | | Бухоро | | Хоразм | |
| | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш |
| Тармоқлар иқтисодиёти | 2 | 4 | | | | | | | 2 | 3 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | |
| Менежмент (транспорт) | 2 | 3 | | | | | | | 2 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Маркетинг | 2 | 4 | | | | | | | 2 | 3 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Автомобиллар | 2 | 7 | | | | | | | 2 | 3 | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | 1 |
| Йўл ва қурилиш машиналари | 2 | 6 | | | | | | | 1 | 3 | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | 2 | | | | | | |
| Кўтариш, ташиш машиналари | 0 | 0 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш | 2 | 5 | | | | | | | 1 | 2 | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | 1 | | | | 1 |
| Ҳаракатланиш хавфсизлиги ва уни ташкил этиш | 2 | 4 | | | | | 1 | | | 1 | | | | | 1 | 1 | | | 1 | | | | | 1 | | | | | | |
| Автомобиллар ва автомобиль хўжалиги | 2 | 4 | | | | | | | 1 | 3 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | |
| Ички ёнув двигателларини синаш ва улардан фойдаланиш | 2 | 4 | | | | | | | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | 1 |
| Автомобиллар ва тракторларнинг электр жиҳозлари | 1 | 4 | | | | | | | | 4 | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | |
| Автомобиль йўллари ва аэродромлар | 1 | 6 | 1 | | | 1 | | | | | | 2 | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | | 1 | | |
| Кўприклар ва транспорт туннеллари | 1 | 9 | | | 1 | 3 | | | | 2 | | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | |
| Касб-ҳунар фанлари методикасини ўқитиш (ЕУТТ) | 2 | 1 | | | | | | | 1 | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Касб-ҳунар фанлари методикасини ўқитиш (ТВИТ) | 2 | 4 | | | | | | | 1 | 3 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Химмотология | 0 | 0 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Автосервис | 1 | 6 | | | | | | | | 4 | 1 | 1 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | |
| Халқаро юк ташиш | 2 | 4 | | | | | | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | | | | | 1 |
| **Жами** | **28** | **75** | **1** | **0** | **1** | **4** | **1** | **1** | **15** | **36** | **4** | **11** | **0** | **0** | **0** | **1** | **1** | **2** | **0** | **1** | **2** | **3** | **1** | **7** | **1** | **3** | **0** | **2** | **1** | **4** |

## ЖАҲОН 24 соат ичида



**БМТнинг гиёҳванд моддалар ҳаракатланишини назорат қилиш Халқаро кенгаши дунёда қўлбола дори воситалари кўпайиб кетаётганлигидан хавотирда.** Бундай дори-дармон воситаларини истеъмол қилиш оқибатида ўлим ҳоллари кўпаймоқда. Ривожланаётган мамлакатларда чиқарилаётган препаратларнинг 50 фоизи талабга жавоб бермайди.



**Италия Сенати мамлакат Бош вазири Романо Продига ишонч билдирди.** Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафтада у парламентнинг юқори палатасига мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини маълум қилганди ва кўпчилик сенаторлар Бош вазирни мазкур масалада қўллаб-қувватламаганди. Шундан сўнг Продига нисбатан ишончсизлик билдириш масаласи кўтарилганди.

**Ниҳоят, «Аэрбас» самолётсозлик компанияси яқин тўрт йил давомида 10 мингта иш ўрнини қисқартирадиган бўлди.** Бунга сабаб компания шу йўл билан молиявий инқироздан қутулмоқчи. Ушбу дастурни компаниянинг директорлар кенгаши ҳам тасдиқлади. Эндиликда Германияда 3,7 минг, Францияда 4,3 минг, Буюк Британияда 1600 ва Испанияда 400 иш ўрни тугатилади. «Аэрбас»нинг Англиядаги заводи ёпилиши ҳам мумкин. Бироқ бу ерда «А-350» лайнерининг қанотлари терилади.

**«Хьюман райтс вотч» ташкилоти Оқ уйни маҳбуслар дом-дараксиз йўқолаётганликда айблаб чиқди.** Халқаро ташкилот маълумотларига кўра, 38 нафар одам АҚШ Марказий разведка бошқармаси (МРБ) томонидан қамоққа олинган ва ҳозир қаердалиги номаълум. «Хьюман райтс вотч» Жорж Бушга мурожаат қилиб, мазкур маҳбусларнинг қаерда сақланаётгани ва махфий қамоқхоналар ҳақида ошкора маълум қилишни сўрамоқда. Ўтган йили Буш бир чиқишида бундай қамоқхоналар ёпилганини ва маҳбусларга нисбатан қийноқлар қўлланилмаётганини айтганди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро ташкилотлари унинг бу гапини ҳозирда ҳам дастак қилиб олишган.

**Парижда Пабло Пикассонинг икки картинаси ўғирлаб кетилди**. Санъат асарлари рассомнинг невараси Диана Видмаернинг уйида сақланаётганди. Картиналарнинг баҳоси 50 миллион евро атрофида баҳоланмоқда. Бу ҳақда Париж полицияси журналистларга маълум қилди. Пикассо ушбу суратларни 1938 йилда чизиб тугатган.

**Сурия Ирокдаги вазиятни барқарорлаштириш юзасидан ўтказиладиган конференцияда иштирок этишга розилик билдирди.** Бу ҳақда мамлакатнинг «САНА» ахборот агентлиги ТИВдан олинган маълумотга таяниб хабар тарқатди. Анжуман Бағдодда бўлиб ўтиши кутилаяпти. Унда Ироққа қўшни давлат вакиллари ҳамда БМТнинг 5 та доимий аъзолари иштирок этади.



**Бельгия ҳукумати самолёт шовқинидан жабр кўраётган аҳолига 750 минг евро миқдорида жарима тўлайдиган бўлди.** Мамлакат суди биринчи инстанцияда аэропортга туташ ҳудудларда истиқомат қиладиган аҳолининг мазкур масала бўйича шикоятини асосли деб топди.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

*Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг ҳурматли талабалари, ота-оналар ва олий таълимнинг ривожланиш истиқболларидан манфаатдор шахслар эътиборига!*

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Қосимов Рустам Собирович очиқ электрон манзили «vazir@edu.uz»ни олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари фаолияти, таълим шароитлари, ёшларнинг илмий, жамоат, спорт ва маънавий-маданий ҳаётдаги иштироки масалаларига тегишли саволлар ва таклифлар билан мурожаатлар учун таклиф этади.

2758/274

Российский линолеум

Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

Товар сертифицирован

Diyor service

# Қалдирғочлар тарк этмасин хонадонларни

***Мамлакатимизда кўчмас мулк олди-сотдиси билан шуғулланаётган жисмоний ва юридик мақомга эга тадбиркорлар анчагина. Бунинг сабаби — истиқлол йилларида ушбу соҳа товарлар бозорида ўзига хос ўринга ва эътиборга эга бўлди. Халқимиз — болажон, орзу-ҳавасли халқ. Шунинг учун кўчмас мулк, яъни уй-жойга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. "Диёр Сервис" кўчмас мулк агентлиги пойтахтимиз кўчмас мулк бозорида 7 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаяпти. Шу муддат ичида агентлик қанчадан-қанча инсонларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишга ўз ҳиссасини қўшди. Агентлик раҳбари Дилмурод ҲУСАНОВ билан суҳбатимиз пойтахтимиз кўчмас мулк бозорининг бугунги ҳолати, унда фаолият кўрсатаётган фирма ва агентликларнинг ютуқ ҳамда муаммолари ҳақида бўлди.***

***— Офисингизга кираверишда қалдирғоч расми бор экан. Сир бўлмаса, бу нимани англатади?***

— Маълумки, қалдирғоч баҳорда учиб келади. Баҳор эса уйғониш, янгиланиш, қутбараканинг бошланишидир. "Барака" — агентлигимизнинг ниятини ифодаловчи калом. Ушбу ният йўлида иш юритар эканмиз, бизга мурожаат қилаётган ҳар бир фуқаро хизматимиздан авваламбор рози бўлиши керак, розичиликда эса барака кўп.

***— Мутахассис сифатида бугунги кунда Тошкент шаҳрида кўчмас мулк бозорининг аҳволи ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.***

— Охирги ярим йил ичида маҳсулот бозорида кўчмас мулкнинг нархи анчагина кўтарилиб кетди.

Бунинг бир неча сабаблари бор. Аввало, чет элдан келаётган сармоядорлар сони кўпайди. Иккинчидан, фуқароларимиз ўз жамғармаларини кўчмас мулкка жалб эта бошлади. Бу дегани — уларнинг маблағи кўпайди. Одамларда пул бўлмаса, бозорни сунъий кўтариб бўлмайди. Ахир, бекорга даромадга яраша буромад, дейишмайди-ку? Учинчидан эса, пойтахтимизда корхоналар кўпайди. Шунинг учун уларга, шунингдек, фирмалар, корхоналарга жойлар керак бўлаяпти. Хуллас, шу омиллар кўчмас мулкнинг баҳоси кўтарилишига олиб келди.

***— Илгари олди-сотдини олувчи ва сотувчи келишиб амалга ошириб кетаверарди. Ҳозир эса вазият ўзгарди. Кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларни агентликлар, фирмалар ҳам амалга ошира бошлади. Бу, албатта, бизнинг одамлар учун янгилик. Шунинг учун бунга кўникиш ҳам қийин кечаётган бўлса керак. Агентлигингиз асосан кимларга ва қандай хизмат кўрсатади? Шу ҳақда гапириб берсангиз?***

— Бизнинг агентлигимиз олди-сотди, ижара олувчи ва берувчига ҳужжатларини керакли жойлардан йиғиш, олди-сотди қилинаётган ҳудудни яхши ўрганган ҳолда, мижозларга маслаҳатлар бериш билан шуғулланади. Доимий мижозлар билан ҳамкорликда ишлашга ҳаракат қиламиз.

***— Сизнинг агентлигингизга фуқаролар қайси тартибда мурожаат қилишади? Ёки бозорда вакилингиз ўтирадими?***

— Тўғри, ҳозирги куннинг талаби ўзига яраша изланишни талаб қилади. Кўчмас мулк бозорида бугун сиз ўйлагандан каттароқ рақобат бор. Шунинг учун бир кун ҳам ишимизга бефарқ бўлолмаймиз. Мижозга яхши муносабат, унинг истагини ўзи кутганидан ҳам аълороқ бажариш — бизнинг мақсадимиз. Чунки келгуси фаолиятимиз шунга боғлиқ. Ваъда бердингми, бажар. Мижозни алдадингми, ишончни йўқотасан, ундан айриласан. Шунинг учун бизнинг ишимиз, аввало, ҳалолликни талаб қилади. Энди бевосита саволингизга келадиган бўлсак, агентлигимиз ўз хизматларини оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиб боришга интилади. Мижозлар асосан агентлигимиз ҳақидаги маълумотлардан реклама ёки хизматимиздан мамнун бўлган кишилар орқали хабардор бўлишади.

***— Агентлигингизнинг бемалол фаолият юритишига халақит берадиган омиллар ҳам борми? Бор бўлса, бу муаммоларни ҳал этиш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?***

— Шу пайтгача иш фаолиятимиз мобайнида нокерак тўсиқларга дуч келганимиз йўқ. Тўғриси, бу бизни хурсанд қилади. Мен кераксиз текшир-текширларни назарда тутаяпман. Йилдан-йилга солиқларнинг мўътадиллашиб бориши хизматларимиз сифатининг ҳам яхшиланишига ёрдам бераяпти. Ҳозир рақобатга бардош бера олсангиз, фаолият юритиш учун бошқа тўсиқлар йўқ ҳисоби. Бунинг учун, албатта, сиз ҳам ўз мажбуриятларингизни, яъни солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида амалга ошириб туришингиз керак.

Ўз ўрнида яна бир нарсани таъкидлаб ўтсам. Агентлигимиз жойлашган Восит Воҳидов маҳалласи кенгаши билан ҳамкорликда кўплаб хайрли тадбирлар ўтказиб турибмиз. Бизнинг ниятимиз юртимиз тинч бўлсин. Тинчлик ҳукмрон бўлган юртда тўй-томоша бўлади, уй-жой қурилади. Шунда қалдирғочлар хонадонларимизни ҳеч қачон тарк этмайди.

**"Диёр Сервис" кўчмас мулк агентлиги манзили:**

**700064, Тошкент ш. «Ракат Боши» к, 17.**

**Уяли тел.: (998 90) 185-70-70. Факс (998 71) 152-52-51.**

**Рисолат СУЛАЙМОНОВА суҳбатлашди.**

### Тошкент шаҳридаги кўчмас мулк объектлари баҳосининг ўсиш динамикаси



Хабарлар оқимидан

## Намунали солиқ тўловчи

Самарқанд вилояти давлат солиқ бошқармаси аъзолий анъанасини давом эттириб, «Намунали солиқ тўловчи» танловини ўтказди.

Танлов шартларига кўра, биринчи ўринга Самарқанд шаҳридаги «Сам-антипгилам» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси лойиқ деб топилди. Самарқанд туманидаги «Отабек» акциядорлик жамияти иккинчи, Тойлоқ туманидаги «Истиқлол» акциядорлик жамияти учинчи ўринни эгаллади.

Якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар — Ургут туманидаги «Мозортепа» маҳалласидан Умар Маҳмадаминов, «Булунғур» туманидаги «Истиқлол» маҳалласидан Пўлат Бегалиев, Самарқанд туманидаги «Мўлиён» маҳалласидан Қаҳрамон Тоировлар жисмоний солиқ тўловчи номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритишди.

Ғолибларга вилоят солиқ бошқармасининг эсдалик совғалари топширилди.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Асарларда болалар нигоҳи

Наманган вилоятидаги ўлкани ўрганиш музейида ҳаваскор рассомлар ижодига бағишланган кўргазма ташкил этилди. Унда намойиш этилган асарларнинг муаллифлари Учқўрғон туманидаги тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчиларидир. Ёш мўйқалам соҳибларининг 100 дан ортиқ бадиий асарларида табиатга, одамлар ва уларнинг турмушига болаларча нигоҳ акс этган.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ВА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАЛАРИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ВА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАЛАРИ БОШЛИҚЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

## НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**2006-2007 ўқув йилида таҳсил олаётган битирувчи бакалавр ва магистрларини ишга тақсимлаш ишларини бошламоқда.**

**Бизнинг битирувчиларимиз бой назарий билимлардан ташқари, замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш малакасига эга. Улар рақобатбардош ва замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассислардир.**

**Ёш педагог кадрларга эҳтиёжи мавжуд бўлган таълим муассасалари раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан 2007 йил 15 март кунига қадар университетимизга мурожаат этишлари мумкин. Сизнинг эътиборингизга таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича битирувчилар ҳақида маълумотларни ҳавола қиламиз.**

**Битирувчилар ҳақидаги батафсил маълумотларни интернет орқали www.pedagog.uz ёки www.tdpu.uz манзилларидан олишингиз мумкин.**

**Маълумот учун телефон: 55-55-77. Тел./факс: 55-50-77. Низомий номидаги ТДПУ маркетинг хизмати бўлими. Манзилимиз: 700100, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.**

**2006-2007 ўқув йилида Низомий номидаги ТДПУни битираётган ёш мутахассислар тўғрисида маълумот**

**БАКАЛАВР**

| № | Таълим йўналиши | Битирувчиларнинг умумий сони | Вилоятлик битирувчиларнинг сони | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент | Фарғона | Хоразм | Қашқадарё | Тошкент ш. | Бошқа давлатлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Математика ва информатика | 116 | 100 | 1 | 2 | 10 | 2 | 4 | | 8 | 8 | | 23 | 4 | 9 | 29 | 16 | |
| 2. | Физика ва астрономия | 65 | 57 | 1 | 1 | 7 | | 5 | 1 | 5 | 1 | | 16 | 1 | 2 | 17 | 8 | |
| 3. | Кимё ва экология | 71 | 65 | | | 11 | 1 | 2 | 1 | 5 | 4 | | 9 | 1 | 4 | 27 | 6 | |
| 4. | Биология ва инсон ҳаётий фаолияти муҳофазаси | 76 | 69 | 3 | 1 | 10 | | 2 | 2 | 4 | 2 | 1 | 13 | | 9 | 22 | 7 | |
| 5. | География ва иқтисодий билим асослари | 65 | 51 | | 1 | 3 | 5 | 3 | | 5 | 7 | 1 | 17 | 1 | 5 | 3 | 14 | |
| 6. | Тарих | 116 | 83 | 1 | 1 | 10 | 2 | 11 | 1 | 12 | 2 | 3 | 21 | 1 | 6 | 12 | 33 | |
| 7. | Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | 40 | 23 | | | 1 | | 4 | 2 | 4 | 1 | | 6 | 1 | 1 | 3 | 17 | |
| 8. | Педагогика ва психология | 121 | 54 | 1 | | 5 | 2 | 5 | 1 | 3 | 1 | | 17 | 1 | 2 | 16 | 67 | |
| 9. | Машинасозлик | 122 | 94 | 3 | | 3 | 7 | 4 | 1 | 11 | 12 | 2 | 34 | 3 | 1 | 13 | 28 | |
| 10. | Амалий санъат | 12 | 9 | | | 1 | 1 | | | | | | 6 | | | 1 | 3 | |
| 11. | Агрономия | 23 | 13 | 1 | | 4 | | | 1 | | 1 | | 1 | 1 | 1 | 3 | 10 | |
| 12. | Мусиқий таълим | 26 | 15 | | 2 | | | | | 2 | 3 | | 4 | | 1 | 3 | 11 | |
| 13. | Ўзбек тили ва адабиёти | 153 | 141 | 5 | 2 | 36 | 4 | 6 | 2 | 14 | 6 | 1 | 14 | 6 | 11 | 34 | 12 | |
| 14. | Рус тили ва адабиёти | 63 | 7 | 1 | 1 | | | | | | | | 4 | | | 1 | 56 | |
| 15. | Қозоқ тили ва адабиёти | 16 | 16 | 1 | | | | 1 | | | | 2 | 12 | | | | | |
| 16. | Корейс тили ва адабиёти | 28 | 12 | 1 | | 2 | | | | | | | 9 | | | | 16 | |
| 17. | Инглиз тили | 164 | 76 | 3 | 1 | 5 | 1 | | 3 | 9 | 5 | 2 | 19 | 3 | 8 | 17 | 88 | |
| 18. | Немис тили | 14 | 14 | | | 2 | | 1 | | 1 | | | 2 | | | 8 | | |
| 19. | Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари | 159 | 108 | 3 | 1 | 14 | 2 | 6 | 5 | 14 | 13 | 2 | 18 | 8 | 7 | 15 | 51 | |
| 20. | Бошланғич таълим ва тарбиявий иш | 112 | 79 | | | 7 | 3 | 6 | 2 | 6 | 2 | 3 | 36 | 1 | 2 | 11 | 33 | |
| 21. | Мактабгача таълим | 44 | 15 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | | | | 1 | 6 | | 1 | 1 | 29 | |
| 22. | Дефектология | 81 | 33 | 1 | 3 | 1 | | 3 | 2 | | 2 | | 18 | 1 | 1 | 1 | 48 | |
| 23. | Меҳнат таълими | 16 | 13 | | | | | | | 1 | | 1 | 7 | | | 4 | 3 | |
| | **Жами** | **1703** | **1147** | **27** | **17** | **133** | **31** | **65** | **24** | **104** | **70** | **19** | **312** | **33** | **71** | **241** | **556** | **0** |

**МАГИСТРАТУРА**

| № | Таълим йўналиши | Битирувчиларнинг умумий сони | Вилоятлик битирувчиларнинг сони | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент | Фарғона | Хоразм | Қашқадарё | Тошкент ш. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Математика | 9 | 8 | | | 1 | 1 | 1 | | | | | 2 | | 3 | | 1 |
| 2. | Информатика | 15 | 13 | 1 | | 1 | | | | | | | 6 | | 2 | 3 | 2 |
| 3. | Физика | 5 | 4 | | | 1 | 1 | | | | | | 1 | | | 1 | 1 |
| 4. | Астрономия | 5 | 5 | | | | | 1 | | | | | 2 | | | 2 | |
| 5. | Кимё | 8 | 5 | | | 2 | | | | | | 1 | 1 | 1 | | | 3 |
| 6. | Биология | 12 | 9 | | | | | 4 | | | 1 | | | | 2 | 2 | 3 |
| 7. | География | 6 | 2 | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | 4 |
| 8. | Тарих | 18 | 11 | 1 | | | 1 | 1 | | | 1 | | 3 | | 2 | 2 | 7 |
| 9. | Тасвирий санъат | 4 | 3 | | | | | | | | | 1 | 1 | 1 | | | 1 |
| 10. | Педагогика | 16 | 7 | | | | | | | | | 2 | 2 | | | 3 | 9 |
| 11. | Психология | 23 | 4 | 1 | | | | | | | | | 2 | | | 1 | 19 |
| 12. | Амалий санъат | 4 | | | | | | | | | | | | | | | 4 |
| 13. | Машинасозлик технологияси | 6 | 3 | | | | | 1 | | | | | 2 | | | | 3 |
| 14. | Мусиқий таълим | 6 | 5 | | 1 | 1 | 1 | | | | 1 | | | | 1 | | 1 |
| 15. | Ўзбек тили | 12 | 9 | | | 1 | | | | 1 | 1 | | | | | 6 | 3 |
| 16. | Ўзбек адабиёти | 11 | 6 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | 4 | 5 |
| 17. | Рус тили | 6 | 1 | | | | | | | | | | 1 | | | | 5 |
| 18. | Корейс тили | 2 | 1 | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 |
| 19. | Рус адабиёти | 13 | 7 | | | | 1 | 1 | | | | | 5 | | | | 6 |
| 20. | Инглиз тили | 30 | 17 | 4 | | | 4 | | | 2 | 1 | | 2 | 2 | 1 | 1 | 13 |
| 21. | Маънавият асослари | 9 | 3 | 1 | | | | | | | 1 | | | | | 1 | 6 |
| 22. | Миллий истиқлол ғоясининг фалсафий масалалари | 5 | 3 | | | | | | | | | 1 | 1 | | | 1 | 2 |
| 23. | Ҳуқуқ асослари | 24 | 16 | 4 | | | | 1 | | 3 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 1 | 8 |
| 24. | Бошланғич таълим | 14 | 7 | | | | | | | | | 1 | 6 | | | | 7 |
| 25. | Мактабгача ва оилавий таълим | 9 | 1 | | | | | | | | | | 1 | | | | 8 |
| 26. | Логопедия | 13 | 4 | | | | 1 | | | 1 | | | 2 | | | | 9 |
| 27. | Олигофренопедагогика | 8 | 3 | | | | | | | 2 | | | 1 | | | | 5 |
| 28. | Меҳнат таълими | 7 | 4 | | | | 2 | | | | 1 | 1 | | | | | 3 |
| | **Жами** | **300** | **161** | **13** | **2** | **7** | **12** | **10** | **0** | **9** | **8** | **8** | **44** | **6** | **13** | **29** | **139** |

2648/383

## ТИББИЙ ХИЗМАТ: ИСЛОҲОТ ВА САМАРА

*Самарқанд давлат медицина институти мамлакатимиздаги нуфузли, бой тарихий анъаналарга эга олий таълим даргоҳларидан биридир. Бу ерда кейинги йилларда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, унинг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди. Институт ректори, профессор Азамат Шамсиев раҳбарлигида ўқув жараёнига янги, илғор педагогик технологиялар узлуксиз жорий қилинмоқда, бу эса врач кадрларни тайёрлаш савиясига самарали ўз таъсирини кўрсатяпти. Шу ўринда институтнинг асосий ўқув-даволаш марказига айланган, аҳоли ўртасида ҳамон «Республика шифохонаси» номи билан таърифланаётган, институтда ўқув машғулотларини амалиётга яқинлаштиришда катта аҳамият касб этаётган СамМИ клиникаси тўғрисида алоҳида ҳикоя қилишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз.*



### СамМИ клиникаси:

# Ўзгаришлар фасли

Бундан 80 йил муқаддам барпо этилган ушбу шифохона республикамизнинг марказий ва жанубий минтақасида кўп қиррали даволаш муассасаси эди. Клиниканинг хизмат даражаси ҳам доимо юқори бўлиб келган, чунки унда не-не малакали мутахассислар, машҳур олимлар меҳнат қилишган. Азалий анъана клиникада айни пайтда ҳам давом этяпти.

— Мустақиллик йилларида эса клиника тубдан янгиланди, — дейди шифохона бош врачи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, доцент Нурмамат Абдуллаев. — Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси клиникамизда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ижобий ўзгаришлар биринчи галда клиникани модернизация қилишда, уни замонавий тиббий аппаратура ва инвентарлар билан жиҳозлашда, даволаш ишларида кўзга яққол ташланади. Айни пайтда бўлимларда 300 дан ортиқ бирликдаги тиббий жиҳозлар бор. Уларнинг бир қисми Япония, Германия, Венгрия, Швейцария, Жанубий Корея, Россия, Польша, Украина каби мамлакатлардан келтирилган. Лекин бу — клиникада юқори технологияли ташхис ва даволаш усулларини амалиётга жорий қилишга тўлиқ эришилди, дегани эмас, — дея муаммолар ҳақида сўз юритади бош врач. — Шу сабаб 2005-2010 йилларга мўлжалланган бўлимларни замонавий тиббий аппаратуралар билан қайта жиҳозлаш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастур асосида 2005-2006 йиллар мобайнида дастлабки самарали ишлар қилинди. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва клиниканинг ўз маблағи ҳисобидан 23 та замонавий тиббий аппаратура келтирилди. Жамоамиз вазирлик ва институт ректорати томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдамлардан жуда миннатдор. Ана шундай қўмак эвазига кейинги йилларда бўлимларда катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилди, коммуникация ва ободонлаштириш соҳасида жиддий ўзгаришлар қилинди, бинолар қўркамлигига қўркамлик қўшилди.

Беморларни юқори технологиялар асосида текшириш ва даволаш амалиёти институт талабаларининг ўқув жараёни билан чамбарчас боғланган ҳолда олиб борилади. Клиника бўлимлари базасида жойлашган институт кафедраларида магистр ва ёш олимларнинг илмий-текшириш ишлари учун доимий равишда шарт-шароитлар яратилмоқда.

— Ўқув жараёни тўлиқ компьютерлаштирилган, талабаларимиз масофавий ўқитиш, интернет тизими, электрон дарсликлардан фойдаланадилар, — дейди умумий амалиёт врачлари тайёрлаш 1-терапия кафедраси мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, профессор Нуриддин Камолов. — Уларнинг икки-уч хорижий тилни билиши мени ниҳоятда қувонтиради. Шу билан бирга, ўқув машғулотларида анъанавий усуллардан, яъни беморларни бевосита текшириш, касаллик тарихларини тўлдириш кабилар доимий эътиборда. Шуни айтишимиз керакки, талабаларни клиника ва Самарқанд тумани поликлиникаси ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан узвий боғлиқ ҳолда ўқитиш анча амалий самаралар бераяпти.

Шифокорларнинг малакасини ошириш ҳам клиника маъмуриятининг доимий диққат-эътиборида. Айни пайтда фаолият кўрсатаётган 124 нафар врач ва 288 нафар ҳамширанинг 82 фоизи олий ва биринчи малака тоифасига эга. Бўлимлар базасида жойлашган клиник кафедра (қурс)ларнинг 150 дан зиёд профессор-ўқитувчилари даволаш ишларида ҳам иштирок этадилар. Ўтган йили клиникада даволанган беморлар сони 16433 нафарни ташкил этди, жумладан, улардан 3687 нафари болалардир. Амбулатория шароитида юз мингга яқин бемор текширилиб, уларга тегишли тиббий маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Бош врач ўринбосари Турсунпўлат Шомуродов билан шифокорларнинг малакаси, хизмат кўрсатиш йўналишлари ва яна бир қанча соҳалар ҳақида суҳбатлашдик. Бўлимларда бўлиб, беморларга, шифокорларга яратилган шароитлар билан танишдик.

Шифо истаб келган беморларнинг аксарияти бўлим мудирлари У.Каримов, У.Жўраева, З.Бахронова, врачлар Р.Йўлдошев, А.Кан, К.Облоқулова, А.Меметова, А.Василенколардан беҳад миннатдорликларини, клиникада дори-дармон билан таъминланиш, парҳез овқатланиш даражаси кўнгилдагидек эканлигини эътироф этишди.

— Клиниканинг мамлакатимиздаги йирик ва нуфузли даволаш профилактик муассаса эканлигини яхши биламан, — дейди ўзини Ҳалима Хўжаназарова деб таништирган қашқадарёлик аёл. — Шу сабаб, саккиз ёшли ўғлим Маҳаммадали оғир хасталикка йўлиққач, ушбу клиникага нажот излаб келдим. Унга «Бош мия фалажи» деган ташхис қўйилганда, не-не вҳимали хаёлларга бордим. Шифокорларга минг бора раҳматки, фарзандимни шундай оғир дарддан фориғ этишди. Уларнинг бундай хизматини бир умр унутмайман.

2006 йил мобайнида клиника томонидан Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё, Навоий ва бошқа вилоятлардан келган 3803 нафар ногирон ва кам таъминланган бемор, 3802 нафар ҳомиладор аёл, 3687 нафар 14 ёшгача бўлган болалар давлат томонидан кафолатланган маълум имтиёзлар асосида даволандилар.

Мамлакатимиз Президенти 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ўтган йили республикада соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, тиббиёт ходимлари ва ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш масалаларига катта эътибор қаратилганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Клиниканинг бугунги фаолияти, бу ерда амалга оширилаётган ижобий ишлар Юртбошимизнинг ана шу фикрларига ҳар томонлама энг яхши далиллардир. Бўлимлар ва улар ҳудудида 15 та клиник кафедра (курс), 6 та назарий кафедра, умумий амалиёт врачлари тайёрлаш ўқув маркази ва марказий илмий-текшириш лабораторияси фаолият кўрсатяпти. Клиника 8 гектарлик майдонда — 7 та даволаш, 1 та ўқув ва 7 та ёрдамчи биноларда жойлашган. Майдоннинг 70 фоизи боғ ва кўкаламзорлардан иборат. Клиника марказлаштирилган сув, канализация, иситиш тармоқлари билан тўлиқ таъминланган. Туғуруқ мажмуаси, жарроҳлик бўлими операция хоналари учун керосин билан ишлайдиган махсус ёритиш тизими барпо этилган.

Клиникада ҳозирги кунда 34 йўналиш бўйича аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш шароити яратилган. Ташхис бўлимларида 40 га яқин йўналишларда 600 мингга яқин текшириш ўтказилади. Жумладан, ультратовуш, электроэнцефалография, фиброэндоскопия, гамма-сканерлаш, радиоизотоп диагностика, эхоэлектрокардиография каби текширишлар сони олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада такомиллашди. Жарроҳлик йўналишидаги беморларни клиникада иккинчи кундаёқ операция қилиш имкони яратилди. Бунинг асосий омили янги замонавий тиббий аппаратларнинг ишга туширилиши ва улардан самарали фойдаланилаётганлигидир.

Айнан шундай ўзгаришлар даволашдаги оператив фаолликнинг ошишига хизмат қилаяпти. Айниқса, жарроҳлик, кўз касалликлари, эндохирургия, нейрохирургия ва проктология бўлимларида шундай фаолликка эришилган. Клиника бўлимларида видеоэндолапороскопик ва торакоскопик, лазер хирургияси, офтольмологик микрохирургия, сунъий гавҳар қўйиш, бош ва орқа миядаги мураккаб жарроҳликлар, овқат ҳазм қилиш трактидаги реконструктив тикловчи операциялар ва бошқа хирургик технологиялар амалиётга кенг жорий қилинмоқда. Нейрохирургия курси мудири, профессор Абдураҳмон Мамадалиев Малайзия, Ҳиндистон, Индонезияда; офтольмология курси мудири, тиббиёт фанлари доктори Амин Юсуповнинг Қозоғистон ва Россия мамлакатларида бўлиб ўтган халқаро анжуманлардаги маърузалари кўпчилик томонидан юқори баҳоланди.

Клиниканинг физиотерапия бўлими замонавий физиотерапевтик аппаратлар билан таъминланган. Ўтган йили улар сони иккитага ошди. 5 та муолажа хонасида ёруғлик, электр кучи, лазер нури, инфрақизил нурлар ва массаж билан даволаш йўлга қўйилган. Беморлар маслаҳат поликлиникасида тўлиқ текширилиб, бўлимларга ётқизилгач, биринчи кунданоқ физиотерапевтик муолажаларни қабул қиладилар.

Маълумки, дори-дармон ҳар қандай шифохонада биринчи даражали эҳтиёж сирасига киради. СамМИ клиникасида дори-дармонлар танқислигининг олдини олиш мақсадида ўз дорихонасида дори-дармон ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Масалан, ўтган 2006 йилдан бошлаб клиника ички дорихонасида 62 турдаги дори-дармонлар тайёрланмоқда.

Эътиборли томони шундаки, бундай дори-дармонлар сифатли ва анчагина арзонга тушади. Ўтган йили клиникада шу ҳисобдан 26 миллион сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолинди.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили давлат дастурида белгиланган йўналишлар бўйича клиниканинг етакчи мутахассислари Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари шифохоналарига амалий ёрдам кўрсатдилар. Улар жойларда 9107 нафар беморни кўрикдан ўтказишди. 354 та жарроҳлик операцияси қилинди. Маҳаллий тиббий ходимлар учун 148 марта ўқув семинарлари ташкил этилди. 787 марта аҳоли ўртасида учрашувлар ўтказилди. Вилоят радиоси, телевидениеси орқали тиббий-маърифий мавзуларда суҳбатлар уюштирилмоқда.

Клиникада ўз-ўзини молиялаштириш ишлари йилдан-йилга такомиллаштириляпти. Ўтган йили имтиёзи бўлмаган аҳоли қатламларига шартнома асосида пуллик тиббий хизмат кўрсатишдаги маблағлар миқдори оширилди.

Клиникада бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан клиникани моддий ривожлантириш ва рағбатлантириш жамғармаси ташкил этилган. Шу ҳисобдан меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлар учун устама иш ҳақлари бериш йўлга қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва савиясига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Клиника жамоаси 2007 йилда бажариладиган ишлар кўламини аниқ чора-тадбирлар асосида белгилаб олишган. Бу йилда беморларни даволаш ва текшириш ишларини стандарт тизими бўйича ташкил этишни давом эттириш, даволаш жараёнини ҳаётий зарур дори воситалари тизими ва синовдан ўтган медицина асослари бўйича қайта ташкил этиш, клиникани модернизация қилиш, замонавий тиббий аппаратуралар, қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар билан жиҳозлаш, ўз-ўзини молиялаштириш ва тиббиётга оид бўлмаган пуллик хизмат турларини ривожлантириш ҳамда бўлимлардаги таъмирлаш ишларини тезлаштириш энг асосий вазифалар ҳисобланади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Компьютер коллежи

Жиззах туманидаги Куёвбоши қишлоғида 720 нафар ўқувчига мўлжалланган, замонавий, кўркам услубда қурилган компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Янги ўқув даргоҳи мажмуасидан спорт зали, ошхона, ахборот-ресурс маркази ҳам ўрин олган. 2 та физика лабораторияси, бир неча компьютер хоналари доимо ўқувчилар хизматида.

Коллежни «Наврўз айёми» фирмаси қурувчилари бунёд этишди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Отахон дуоси

***Марғилон шаҳридаги «Баҳрин» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ҳакимжон ҳожи Васиев яқинда ўзининг 109 ёшини нишонлади.***

Юзидан ҳамиша нур ёғилиб турувчи бу табаррук отахон — маҳалланинг фахри. Барча унинг дуосини олишга ошиқади. Турмуш ўртоғи Эътиборхон буви билан 4 ўғил ва 1 қизни вояга етказди. Ҳозир 24 невара ва 34 чеваранинг севимли бобожониси.

— Ўн саккиз ёшимдан бошлаб то нафақага чиққунимга қадар Аҳмад Яссавий номли (собиқ Фрунзе) хўжалик далаларида меҳнат қилдим,— дейди отахон. — Фарзандларимни меҳнат қилишга ўргатдим. Шукурки, уларнинг барчаси ҳаётда ўз ўрнини топган. Ҳар кунимни Оллоҳдан юртимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо бўлишини сўраб, дуо қилишдан бошлайман.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

## Сара уруғ — фермерларга

***«Жалақудуқ пахта тозалаш» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси жорий йилда деҳқонларга 560 тонна сара уруғ етказиб беришни режалаштирган. Ҳозирга қадар махсус ишлов берилган 446 тонна чигит экишга тайёрлаб қўйилди.***

— Фермерлар пахтанинг синовдан ўтган, иқлим шароитимизга мос «С 6524» навига катта қизиқиш билдираётир, — дейди жамоа раҳбари Авазбек Маниёзов. — Чунки бу навнинг турдошларига қараганда ҳосилдорлиги бирмунча юқори, тола чиқиши яхши, бунинг устига, пишиқ. Бундан ташқари, деҳқонларимиз «АН-36» навига ҳам эътибор қаратмоқдалар. Вилоятимиз далаларида синовдан муваффақиятли ўтган бу нав ҳам фермерларимизга маъқул. Истиқболли навдан 62 тоннадан ортиқ уруғни тахт қилиб қўйдик.

**О.ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**РЕСПУБЛИКАДАГИ МАҲАЛЛИЙ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР, ЯККА ТАРТИБДАГИ ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилари билан савдо корхоналари ўртасида яқин ўзаро алоқалар ўрнатиш, республика, минтақавий ва халқаро кўргазма-ярмаркаларини тизимли асосда ўтказишни ташкил этиш мақсадида ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 декабрдаги 270-сонли қарорига мувофиқ,**

**«ЎЗЗУЛГҮРЖИСАВДОИНВЕСТ» УЮШМАСИ ТИЗИМИДА**
**«ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИНГ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА САВДОСИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ»**
**ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.**



Ўтказиладиган ярмаркаларда ушбу марказ маҳаллий саноат корхоналари, мулкчилик шакли турлича бўлган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчилари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, хорижий корхоналарга ишбилармонлик алоқалари ўрнатиш учун ҳамкорлар топиш ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро кўргазмалар, ярмаркаларда иштирок этишида кўмаклашади. Шунингдек, республикада ишлаб чиқарилмайдиган айрим хомашё, фурнитура ва бошқа анжомларни хусусий тадбиркорларга етказиб беришда амалий ёрдам кўрсатади.

Ярмаркада қатнашиш истагини билдирган юридик ёки жисмоний шахсларга алоҳида стенд ва тегишли кўргазма майдонлари ажратилади.

Ярмаркада қатнашувчилар товар намуналари, проспект, буклет, прайс-варақа билан иштирок этадилар.

**МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**
**139-10-93, 139-12-82, 139-49-00, 139-48-26, 139- 46-97.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 25-уй, «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси.**

*Ярмаркага марҳамат!*

Saniplast **«САНИПЛАСТ»** Ўзбекистон—Исроил қўшма корхонаси

**Томчилаб суғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона.**

**Пахтазор, токзор, боғ, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб суғориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.**

***Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказади. Мутахассисларимиз экинларни суғориш ва ўғитлашда маслаҳатлар беради.***

***Буюртма қилсангиз, хизмат сифатига кафолат берамиз.***

**Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Қорасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.**

**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**
**(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)**

**«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**

**Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.**

**Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.**

**Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Россияда ишлаб чиқарилган**

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИЩДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**

**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**

**Ўлчаш диапазонлари:**
- **«АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);**
- **«АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).**

**Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.**
**Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.**

**SHOSH INVEST GROUP** ПРЕДЛАГАЕТ И ПРИНИМАЕТ ЗАЯВКИ НА ПОСТАВКУ РАЗЛИЧНОЙ СТРОИТЕЛЬНО-ДОРОЖНОЙ ТЕХНИКИ

**в партнерстве с компаниями ОАО «Промтрактор» (Россия), «HYUNDAI» (Корея), «XCMG», «SANY» (Китай), JVM Equipment LTD (Англия), «Caterpillar» (США):**

**Мини-экскаваторы:** объем ковша 014 — 0,25 м³, мощность 28 — 45 кВт

**Погрузчики:** объем ковша 1,7 — 4,5 м³, мощность 85 — 224 кВт

**Экскаваторы «SANY»:** объем ковша 0,39 — 1,5 м³, мощность 126 — 178 л.с.

**Экскаваторы «Caterpillar»:** объем ковша 1 — 2,1 м³, мощность 140 — 247 л.с. стандартная стрела, удлиненная стрела до 27 м



**Экскаваторы «HYUNDAI»:** объем ковша 0,39 — 3,6 м³, мощность 126 — 353 л.с.

**Экскаваторы «HYUNDAI»:** объем ковша 0,23 — 1,34 м³, мощность 115 — 166 л.с.

**ОПЛАТА — В СУМАХ.**

1. 100% аккредитив в национальной валюте.
2. От 30% предоплата, оставшаяся сумма от 13 месяцев — в лизинг.

**100000, г. Ташкент, Мирабадский р-н, ул. Афросиаб, 12-Б. Тел.: (+99871) 120-7770, 120-7771. Тел./факс 120-3346. E-mail: shosh_invest@mail.ru**

Товар сертифицирован


Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши жамоаси ташкилотнинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

**Назриддин Аҳмедович РИЗАМЕТОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси Бош таҳририят муҳаррири Шоира Иргашевага падари бузруквори

**Раим ота ИРГАШЕВнинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Дийдор

*Ота уйимизда ёзу куз, баҳор*
*Ака-укалару опа-сингиллар*
*Тўпланган пайтлари такрор ва такрор*
*Порлагандай бўлар ўнлаб қандиллар.*

*Қуюқ хотиралар пиёласидан*
*Эсдаликлар ичиб ўлтирар онам.*
*Дийдору шодликлар шалоласидан*
*Барча хандон бунда,*
*Дўсту ёрон жам.*

*Тиниб қолгандайин гўё атайин*
*Ёғоч сўримизнинг тепасида ой.*
*У ҳам совуб борар тун ўтган сайин,*
*Мисли бир пиёла тўла сариқ чой.*

*Баҳор келаверсин такрор ва такрор,*
*Бизнинг тонгимизни ғариб шом қилма.*
*Давом этаверсин ҳаёт ва дийдор,*
*Худо, шу дамларни паришон қилма.*

**Сирожиддин САЙИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# Баҳор

*Бу — баҳор оқшоми, фол, роми йўқдир,*
*Ҳеч юртнинг бу юртдай оқшоми йўқдир.*
*Қанча гуландомдан гул иси келгай,*
*Қанча дилоромнинг ороми йўқдир.*

* * *

*Баҳор. Қалдирғочлар хас, лой чўқийди,*
*Ўргимчак янги бир гилам тўқийди.*
*Гулзор тепасида бир мулло тўрғай*
*Булбул билан гулга никоҳ ўқийди.*

* * *

*Қабристонга эрта келади баҳор,*
*Бунда ётганларнинг соғинчи бисёр.*
*Тириклардан кўра улар муҳтожроқ,*
*Тириклардан кўра кўпроқ умидвор.*

# Ватан

*Ерда ҳам тил бордир.*
*Тунлар қовушиб,*
*Дилга айланадир яхлит жон ва тан.*
*Элликқалъалардан келса товушинг,*
*Товушларинг келса Тупроққалъадан.*

*Тупроққалъалардан келар товушинг,*
*Товушларинг келар Элликқалъадан.*
*Мен ҳам бир қўрғондай кетгум қоришиб,*
*Улуғ қўрғонлардан яралган Ватан.*



# Ипаклари тиллодан

Қизларнинг эгнидаги камалак жилоли атласу адрас, бошларидаги ироқи дўппи кимларнинг эътиборини тортмаган дейсиз? Ана шу гўзалликни эса қўли гул ҳунармандларимиз яратади. Сиз суратда кўриб турган аёл — тошлоқлик дўппидўз Зулфия опа Сиддиқова. Фарғоналик дўппидўзлар орасида машҳур бўлган опахон тайёрлаган бош кийимлари нафақат қиз-жувонларнинг гўзаллигига гўзаллик қўшади, балки уларнинг сепларини ҳам безайди.

— Дўппининг ҳар бир чокига меҳр битилган. Болалигимизда дугоналар бир хонадонга йиғилиб, дўппи, қийиқ, кашта тикардик, — хотирлайдилар Зулфия опа. — Тадбиркору ҳунармандларга эътибор ошгач, игнаю ипакларимизни қайта қўлга олдик. Кичик цех ташкил қилиб, унда дўппилар, уй-рўзғор буюмлари тикаяпмиз. Меҳнатимиз кетидан оиламиз тинч, дастурхонимиз тўкин.

Дарвоқе, опа Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига атаб миллий ҳунармандчилик намуналаридан иборат кўргазма ташкил этиш ҳаракатида.

**Абдухалил ҚОСИМОВ**
**олган сурат.**

# «Ўлан айтгани келдик»

***Жиззах вилояти қўғирчоқ театрида «Ўлан ва лапар ижрочилари» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Халқимизнинг миллий анъана ва қадриятларини тиклаш ҳамда такомиллаштириш, маданий меросимизни асраш, лапар ва ўланчилик санъатини ривожлантириш, ижрочилар маҳоратини ошириш, энг муҳими, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган кўрик-танловда вилоятдаги барча шаҳар ҳамда туманлар вакиллари-нинг фаол иштироки томошабинларга ҳам, ҳайъат аъзоларига ҳам манзур бўлди.

Кўрик-танловда жамоаларнинг нафақат ижро маҳорати, балки уларнинг ҳар бир либосни тўғри танлаши, маҳаллий шевадан жойида фойдаланиши, лаҳжалар талаффузию саҳна маданиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу талаблардан келиб чиқиб, ҳайъат аъзолари ўлан ижрочилиги бўйича Зомин тумани жамоасини, лапар ижрочилиги бўйича эса Жиззах тумани жамоасини ғолиб, деб топди.

Энди бу икки жамоа Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган «Ўлан ва лапар ижрочилари» республика кўрик-танловида иштирок этишади.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Уволи тутмайдими?

*Қиз бола энтак-тентак юргандан бошлаб қўғирчоқ қучоқлайди. Унга атаб ашулалар айтади. Жажжи кўйлакчалар тикади. Уни овқатлантиради. 7 яшар набирам Гавҳарбону ҳар келганда мендан материаллар олиб, "Лолахон" қўғирчоғига атаб кўйлакчалар тикади, ўзича пайпоқчалар тўқишга тушиб кетади. "Илоҳим, Оллоҳим дилингга солган шу меҳрга, шафқатга кўз тегмасин", — дейман унинг ҳаракатларини кузата туриб.*

*Ишга кетаётиб қўшнимизнинг набираси Асалхоннинг ҳаракатларини кузатаман. Иссиқ кунлари чиройли кўйлакчалар, сочларига ленталар тақилган қўғирчоғини маҳкам бағрига босганча онасини қўлидан тутиб боғчасига шошилади. Қор-ёмғирли кунлари бувиси тикиб берган духоба кўрпачага ўраб олади. "Нега кўрпачага ўраб олдинг?" деб сўрасангиз, десангиз "Болам совуқ ейди-да", — дейди қошларини чимириб.*

*"Халқ сўзи" газетасининг 6 февраль сонида журналист Гулчеҳра Йўлдошеванинг "Бағритош онамни кўрмадингизми?" сарлавҳали мақоласини ўқиб, хаёлга толдим. Наҳотки, аёл киши 9 ой юраги остида кўтариб юрган жигарпорасини ахлат қутисига ташлаб кетса... Уларда наҳот шу мурғак гўдакчалик меҳр бўлмаса, муҳаббат бўлмаса?*

*Ўзимча ўйлаб, мулоҳаза юритиб қоламан. Улар "ёр-ёр" садолари остида гўшангага кирмаган, ота-она дуосини олмаганлар бўлса керак. Дуода ҳам гап кўп.*

*Наҳот, Чиноз ахлатхонасидан топилган Гўзалхон, Гулноза, Ёдгорбекнинг оналарида шу қизчалик меҳр бўлмаса?! Нонни ахлатга ташлаганларни "Уволи тутсин" дея уришамиз. Наҳот, инсонга нончалик қадр кўрсатмасак? Бу ахир инсон боласи-ку?! Болани ҳам ахлатга ташлайдими? Ташлаш мумкинми?*

Акс-садо

«БАҒРИТОШ ОНАМНИ КЎРМАДИНГИЗМИ?»

*Боласини қарғаган, урадиган оналарни кўрсам, ҳалимдек мулойим, кўзлари кулиб турувчи Саломат бувим, қизиқ-қизиқ эртаклар, мақолларга уста Муборак катта ойим кўз олдимга келади. Бирон марта улар оғзидан "сен" деган сўз чиқмаган. Ойижоним чарчабми ёки бир иш билан алаҳсиб овозлари кўтарилса, "Болам, сизга худо бола бериби-ю, уларни уришадиган бўлибсизми? Ҳали биз бормиз!" деб қўярдилар.*

*Ойижоним... Мана, ўзим ҳам буви бўлдим. Эрталаб қачон турсам, ойимларни ошхонада кўрардим. "Кечаги овқатдан аданг ҳам, Наргиз ҳам яхши емади. Озгина ширгуруч қиляпман." "Тўрттагина қатлама қиляпман. Иссиққина еб ишга, ўқишга кетарсизлар", дердилар кулиб. Ўзим она бўлгач, ойижонимнинг қадрига етдим. Қизим ҳам биринчи фарзандини бағрига босганда, "Ойижон, учта фарзандни қандай эплагансиз? Ҳаммасига бир ўзингиз улгурардингиз-а?" — деди.*

*Ўша Гўзалхон, Гулнозахон, Ёдгорбекларни ҳам аёл туққанку? Улар ҳам бир кун келиб вояга етар. Ҳамма ҳавас қиладиган келин-куёв бўлишар. Мен астойдил ният қилдим, илоҳим, биз яшаётган диёримизда, мақолада ёзилган ҳолатлар бошқа бўлмасин...*

**М. СУЛАЙМОНОВА.**
**Тошкент шаҳри.**

# Кимдир болам дегай...

*Гулчеҳрахон! Мақолангиз яраларимни янгилаб юборди. Олам ташвишларидан бехабар бешикдаги гўдак она алласидан сармаст ҳолда уйқуга кетади. Болалар уйидаги бегуноҳлар бундай лаззатдан бебаҳра. Уларнинг маҳзун нигоҳларига боқишга юрагим дов бермайди.*

*Куни кеча тушликдан сўнг болаларнинг уйқуга кетиши қийинроқ бўлди. Мен эса Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунованинг (жойи жаннатда бўлсин) «Алла» қўшиғини хиргойи қила бошладим. Бир пайт қарасам, ҳаммалари ширингина пишиллаб ухлашяпти. Мана шу ҳолат ва мақолангиз сабаб бўлиб, «Онанг бўлай» дея битик ёздим:*

***Ой юзингга боқиб, мен ҳайронаман, алла-ё,***
***Эртаю кеч бошингда парвонаман, алла-ё,***
***Онанг бўлай, жон болам, алла болам, алла-ё...***

**Умри ҲАМРОҚУЛОВА,**
**Жиззах вилоятидаги 29-«Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси,**
**II даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори.**

* * *



*Гулчеҳра опа! «Кичкинтой» болалар уйидан ёзган мақолангизни кўзда ёш билан ўқиб чиқдим. Сабаби, мен неча йиллардан буён тирноққа зорман. Дунёнинг ишларига ҳам ҳайронман: ким болага зор, кимлардир эса ношукурлик қилса-я...*

*Опажон, мақолангиз туфайли менда бир умид уйғонди. Менга ўша болалар уйидан фарзанд асраб олишимга ёрдамлашинг. Илгари ҳам кўп жойларга шу мақсадда бош уриб борганман. Лекин жуда катта пул сўрашган. Бизда эса бунча маблағ йўқ...*

*Сизга умид билан,*
**Андижон шаҳридан УМИДА.**

* * *

*Қизим Гулчеҳрахон! Мақолангизни ўқиб, жуда таъсирландим. Орамизда шундай беҳаё ва бемеҳр ота-оналар борлигидан орланиб кетдим. Бир пайтлар отамдан эшитган воқеа ёдимга келди: катта бувам, яъни отамнинг отаси томорқада кетмон чопаётиб, оёғи остидан чиққан илон боласига ачиниб, уни боқмоқ ниятида сим тўрли қафасга солиб қўйибди. Эрталаб туриб қараса, иккита каттагина илон қафаснинг олдида ётганмиш. Улар илончанинг отаонаси бўлиб, уни излаб келишган экан. Бувам қафасни очиб юборишни билан улар ичкари кириб, боласини ялай бошлашибди. Бироз фурсатдан кейин эса буралиб ўзларича бувамга миннатдорчилик билдирган бўлишибди. Наҳотки, бугунги дориломон ва тўкинчилик кунларда баъзиларда ана шу жонзотчалик меҳр йўқ?*

**Раҳматилла САМАДОВ,**
**Тошкент шаҳар, Учтепа туманидаги «Бешқайрағоч» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.**

Қилмиш-қидирмиш

***Бирон-бир касбнинг бошини тутмай, текин даромад қидирган Эркин Ҳасанов зерикканидан шаҳар айланарди. Ана шундай кунларнинг бирида у Юнусобод туманидаги Аҳмад Дониш бозорида Алишер Тоиров, Давронбек Джарабековларни учратиб қолди. Бу йигитларнинг чет элга ўқишга боришга иштиёқманд эканини билгач, уларни Австралияга ўқишга юборишга ваъда бериб, қўйниларини пуч ёнғоққа тўлдирди. Ўзи эса шериги Г. Исломова билан иккала йигитдан алдаб олинган 3150 АҚШ долларини киссага жойлаганча ғойиб бўлишди. "Мижозлар"нинг шубҳага бормаслиги учун уларга тегишли Тошкент политехника лицейи ва Тошкент банк коллежини тамомлаганлик ҳақидаги дипломларини ҳам олиб кетишди.***

# ВИЗАФУРУШЛАР

## ёки барбод бўлган Европа сафари ҳақида

Фирибгарлик бобида тажрибаси ортган сайин Эркиннинг иштаҳаси ҳам карнай бўлиб борди. У энди каттароқ қўламда "ишлаш", демакки, янада мўмай текин даромад топиш учун ўзига ўхшаган кимсалардан шериклар излади. Буни қарангки, изланган шериклар дарров топила қолди. Ҳатто улар билан чет эл сафарини орзу қилиб юрган фуқароларга сохта ҳужжатлар тайёрлаб беришда ким қандай вазифани бажарищи ҳақида келишиб ҳам олишди. Лекин унинг хизматига муҳтож, сохта ҳужжатга эга бўлиш учун анча-мунча пулни бемалол сарфлаб юборадиган мижозларни топиш осон эмасди. Ана шундай кунларнинг бирида у эски таниши М. Рашидова билан учрашиб, чет элга бориш ниятида юрган фуқаролардан таниши бўлса топиб беришни сўради, уларни хорижга юборишини, яхшигина пул ишлаб олиш мумкинлигини айтди. Бу фикр Рашидовага ҳам маъқул келди. Чунки у Эркинга 1500 АҚШ доллари қарз берган эди. Шу йўл билан пулини қайтариб олиш имконияти туғилганидан хурсанд бўлди. Шунинг учун бу аёл тезда тўрт кишини топиб, уларни Эркинга рўпара қилди.

Жиноий гуруҳнинг дастлабки мижозлари Тошкент шаҳрида яшовчи Баҳром Зейгатов, Сайфулло Намадиллаев, Шаҳло Тиллаева ҳамда Мурод Ҳасанов бўлди. «Ўхшатмасдан учратмас», деганларидек, мижозлар ҳам қонунийми, ноқонунийми, қандай йўл билан бўлса ҳам, хорижга бориб, «ҳаш-паш», дегунча даста-даста пул ишлаб келишга орзумандлардан эди. Эркин уларга Европанинг энг бадавлат 15-20 мамлакати чегараларидан ҳеч бир тўсиқсиз ўтиш имконини берадиган «Шенген» визасини тайёрлаб беришни ваъда қилди.

Мўмай даромад ҳидини сезган гуруҳ аъзолари енг шимариб ишга киришиб кетишди. Шошилинч тузилган жиноий режага кўра, ушбу тўрт фуқаро учун Шенген шартномаси қатнашчиси бўлган мамлакатлардан бирининг Ўзбекистондаги элчихонаси орқали «Шенген» визаси очишга қарор қилинди. Лекин, табиийки, бу ўз-ўзидан амалга ошмайди. Аввало, тўрт фуқарони элчихонага гўёки хорижга хизмат сафарига кетаётган мутахассислар қиёфасида кўрсатиш керак эди. Бунинг учун эса бир қанча сохта ҳужжатларни худди ростмана қилиб тайёрлаш талаб этиларди.

Фирибгарлар жиноий режани амалга ошира бориб, 2005 йилнинг 6 сентябрь куни "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг дирекцияси биноси олдида пайдо бўлишади. Бу бежиз эмасди. Чунки жиноий режага кўра, Европа сафарига орзуманд тўртовлон худди ана шу боббў авиакомпания ходимлари сифатида «Шенген» визаси олишлари керак эди. Лекин ташқаридан буни уддалаб бўлмаслигини билган товламачилар айнан компания ходимларидан бирини ўзларига шерик қилиб олишди. Хонасидаги ишини йиғиштириб, ҳамтовоқлари билан учрашиш учун бино олдига чиққан Дилмурод Исмоилов МАК юридик бошқармаси шартномавий ишлар бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келарди.

Қалбаки ҳужжат тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, Европадаги нуфузли мамлакатнинг элчихонасига тақдим этиш учун. Бунинг учун, аввало, ҳақиқий ҳужжатларни қўлга киритиб, уларни обдон ўрганиш, кейин эса улардан олинган тайёр андоза асосида сохта ҳужжатлар тайёрлаш зарур эди. Худди ана шу ҳақиқий ҳужжатларнинг намуналарини компаниядан яширинча олиб чиқиб, жиноий гуруҳга етказиб бериш Дилмуродга топширилди. Албатта, текинга эмас. Эгаллаб турган лавозими ваколатини суиистеъмол қилиш, хизмат бурчига хиёнат этиш эвазига унга 700 АҚШ доллари ваъда қилинди.

Осон даромад ишқида ёнган Д. Исмоилов товламачи шерикларининг илтимосини 4 кун ичида беками-кўст бажариб берди. Қўли эгри ходимнинг "шарофати" билан МАКнинг ўз ходимларини хорижга юбориш билан боғлиқ буйруқлари, компаниянинг хориждаги ваколатхоналаридан келган таклифномалар, чет эл элчихоналарига юборилган хатлар, МАК ходимлари ойлик маошининг ҳисоб-китоблари каби ички ҳужжатлардан олинган намуналар, нусхалар жиноий гуруҳ қўлига ўтди.

Ҳақиқий ҳужжатларни қўлга киритган фирибгарлар энди уларни сохталаштиришга киришишди. Бунинг учун компьютер техникаси ва чет тилини яхши биладиган Шерали Баҳроновнинг ёрдами улар учун айни муддао бўлди. "Олой" бозори яқинидаги интернет-кафелардан бирида Ш.Баҳронов гўёки Б. Зейгатов, С. Намадиллаев, Ш. Тиллаева ҳамда М. Ҳасановлар "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ходимлари эканлиги, улар чет элга амалий ўқув машғулотларига юборилаётгани ҳақида компания бош директори В.Тян ва яна қатор юқори мартабали раҳбарларнинг номини кўрсатган ҳолда қалбаки ҳужжатларни тайёрлаб берди.

Фирибгарлар олдида турган эндиги вазифа тайёрланган сохта ҳужжатларни виза олиш учун хорижий давлатнинг республикамиздаги элчихонасига тақдим этиш эди. Бунинг учун, табиийки, элчихоналарга бемалол кирибчиқа оладиган, хорижий дипломатлар билан муомалани ўрнига қўядиган, чет элга бориш-келиш масаласидан хабардор киши керак эди. Бу нозик юмушни уддалаш учун Тошкент шаҳридаги "Shosh-Servis" МЧЖда менежер бўлиб ишловчи Маъсуда Набиева жалб этилди. Миллий авиакомпанияга мутлақо алоқаси бўлмаган бу аёл сайёҳлик фирмасида ишлар, фирибгарларнинг фикрига кўра, унинг ўзини тутиши, ташқи кўриниши элчихона ходимларида шубҳа уйғотмас эди. Албатта, Набиевага ҳам хизматига яраша пул ваъда қилинди.

2005 йилнинг 23 сентябрь куни элчихона биноси олдида ҳозиру нозир бўлган Эркин Ҳасанов билан Муҳаббат Рашидова тайёрланган жами сохта ҳужжатларни паспортлар билан биргаликда Маъсуда Набиевага тутқазишди. Элчихонага кириб кетган Набиева икки соатлар чамаси йўқ бўлиб кетди. Бу вақт ичида уни кутиб турган товламачиларнинг кўнглидан нима ўйлар ўтгани бизга қоронғу. Элчихонадан чиққан М.Набиева уларнинг олдига келиб, тақдим этилган ҳужжатларда айрим камчиликлар борлиги, яъни МАК ходимларининг шахсий гувоҳномалари, меҳнат дафтарчаларидан нусхалар етишмаётганини айтиб, бу ҳужжатларни тез орада элчихонага тақдим этиш кераклиги, ана шунда 26 сентябрь куни «Шенген» визалари тайёр бўлиши мумкин эканлигини маълум қилди.

15-20 дақиқа ичида зарур ҳужжатлардан нусхалар кўчириб, МАК гербли думалоқ муҳрини ҳам оқ қоғозга босиб берди. Уринишлари бежиз кетмади, ҳужжатлар фирибгарларнинг қўлига теккан заҳоти Эркин узатган 200 АҚШ доллари унинг чўнтагига тушди. Пулнинг қолгани визалар олингандан кейин бериладиган бўлди.

Қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш анчайин қалтис иш эканлигини, уларга ҳамма ҳам даб-дурустдан ишониб кетавермаслигини Эркин яхши биларди. Шунинг учун у виза олиш учун элчихонага топширилаётган барча ҳужжатларга Д.Исмоиловнинг хизмат телефони рақамларини киритди. Бу ҳақда у Дилмуродни огоҳлантириб, мабодо элчихонадан қўнғироқ қилиб, текшириб қолишса, сохта ҳужжатларда номи кўрсатилган кимсалар, ҳақиқатан ҳам, МАК ходимлари эканлигини тасдиқлаб юборишини сўради. Д.Исмоилов ўша кунлари қўнғироқ бўлиб қолишини кутиб юрди. Лекин фирибгарлар кутган қўнғироқ МАК идорасининг бошқа бир хонасида янгради. Бу ҳақда, яхшиси, кейинроқ тўхталамиз.

Компьютер билимдони Ш. Баҳронов ҳам дарҳол ишга киришиб, МАК ходимларининг меҳнат дафтарчалари, шахсий гувоҳномалар-

***Осон даромад ишқида ёнган Д. Исмоилов товламачи шерикларининг илтимосини 4 кун ичида беками-кўст бажариб берди. Қўли эгри ходимнинг "шарофати" билан МАКнинг ўз ходимларини хорижга юориш билан боғлиқ буйруқлари, компаниянинг хориждаги ваколатхоналаридан келган таклифномалар, чет эл элчихоналарига юборилган хатлар, МАК ходимлари ойлик маошининг ҳисоб-китоблари каби ички ҳужжатлардан олинган намуналар, нусхалар жиноий гуруҳ қўлига ўтди.***

Кўзланган марра яқин қолганлигини сезган Э. Ҳасанов билан М. Рашидова оёқларини қўлга олганча "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК идорасига етиб келишди. Бу ердаги ҳамтовоқлари Д. Исмоиловни чақириб, бўлган воқеани айтиб, етишмаётган ҳужжатларни тезда "тўғрилаб" беришини сўрашди. Хизмат вазифасини илгари ҳам суиистеъмол қилган Дилмурод бу сафар ўйланиб ҳам ўтирмади, компьютерни ишга солиб, дан нусхалар тайёрлаб, уларга МАКнинг оқ қоғоздаги гербли муҳри тасвирини компьютер ёрдамида туширириб берди. Ҳужжатларда номлари кўрсатилган МАК масъул раҳбарлари ўрнига Э. Ҳасанов билан М.Рашидовалар сохта имзо қўйиб юборишди. Тайёрланган сохта ҳужжатларнинг бўёғи ҳам қуриб улгурмай, интернет-кафедаги факс алоқа аппарати ёрдамида элчихонага юборилди.

26 сентябрь, яъни визалар тайёр бўладиган кун Э.Ҳасанов, М.Рашидова, М.Набиевалар элчихона олдида учрашишди. Лекин қўнғироқ ишнинг қийиғи чиқиб, қалбаки ҳужжатлар асосида виза олиш уларга насиб этмади. Маълум бўлишича, элчихона ходимлари МАК раҳбариятига қўнғироқ қилишганда, сохта ҳужжатларда фамилияси кўрсатилган масъул "ходимлар" бу идорада ишламасликлари маълум бўлган. Фирибгарлик фош бўлгач, элчихона ушбу ҳолат ҳақида "Интерпол"нинг Ўзбекистон Миллий марказий бюросига хабар берган.

Миллий хавфсизлик хизмати тергов бошқармаси қўзғатган жиноят иши доирасида чет элга чиқишга алоқадор ҳужжатларни сохталаштириш билан шуғулланиб келган фирибгарлар гуруҳи қилмишлари атрофлича ўрганиб чиқилди. Товламачилар гуруҳи аъзоларининг жинояти улардан жабр кўрган фуқаролар, гувоҳларнинг кўрсатмалари, Х.Сулаймонова номли суд-экспертиза маркази ўтказган суд-хатшунослик экспертизасининг хулосалари, далилий ашёлар, ўтказилган тергов ҳаракатлари асосида тўлатўкис ҳужжатлаштирилиб, судга ошириди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди фирибгарлар гуруҳининг жиноий қилмишларини синчиклаб ўрганиб чиқди. Эркин Ҳасанов Ўзбекистон Республикаси ЖК қатор моддаларида кўрсатилган фирибгарлик, чет элга ноқонуний чиқиш, ташкилот, муассасаларнинг ҳужжатлари, муҳрларини эгаллаб олиш, ҳужжатлар ва муҳрларни қалбакилаштириш каби жиноятларни содир этганликда айбдор, деб топилди ва 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жиноий гуруҳнинг қолган аъзолари Маъсуда Набиева, Дилмурод Исмоилов, Шерали Баҳронов, Баҳрам Зейгатов, Мурод Ҳасанов ва Сайфулла Намадиллаевлар содир этган жиноятларига яраша икки йилдан уч йилгача муддатларга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинди.

Мана, 15 йилдирки, Ўзбекистонни жаҳон танимоқда. Дунёда юртимизни меҳнаткаш, имони бақувват, кўнгли очиқ, бағри кенг инсонлар яшайдиган диёр сифатида биладилар. Таассуфки, таклиф этилмаган давлатларга фирибгарлар кўмагида яширинча бориб-келиб юрган айрим фуқаролар ўзга юртлар қонунларини ҳам оёқости қилишмоқда. Бу кимсалар хорижда ҳам турли найранглар билан чўнтагини қаппайтириб, она-юртимиз шаънига доғ тушираяптилар.

**Алишер ИСЛОМБЕКОВ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 22.15 12345